


ТАРИХ ВА ШАХС

ЗАМИРА ИСХОҚОВА

ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ



«O'ZBEKISTON»

ТАРИХ ВА ШАҲС

ЗАМИРА ИСХОҚОВА
ХОЖА АХРОР
БАЛҲИ

TOHIKEHT
«O'ZBEKISTON»
2016

И-
А-
Ц-
И-
Л
И
У-
И
Б
А
-
Г
Г

УЎК: 94(575.1)(092)

КБК 63.3(5Ў)4

И 84

Такризчи:

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Масъул мухаррир:

Қахрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-28-767-9

© З. ИСХОКОВА, 2016

© «O'ZBEKISTON» НМНУ, 2016

Хожа Ахрор Валий ўз даври-
да 25–30 йил мобайнида Марка-
зий Осиёдаги халқларни бирлаш-
тириш, сиёсатчиларнинг боши-
ни ковуштириш орқали хар хил
тўқнашувларнинг олдини олиш
учун бор куч-ғайратини сарфла-
ган, унинг юксак обрў-эътибори
бунда хал қилувчи аҳамият касб
этган. «Шайхлар шайхи» деб ном
олган бу улуг зотнинг гапини би-
рор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки
қилмаган. Нега деганда, халқ уни
бошига кўтарган. Биз ҳам бундай
азиз аجدодларимизни бошимизга
кўтаришга тайёرمىз¹.

Ислом КАРИМОВ

¹ *Каримов И.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998. 23-бет.






СЎЗБОШИ

Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг муътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупрок бўлиб қолаверади¹.


Ислом КАРИМОВ

¹ *Каримов И.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамир. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 184-бет.



Хожа Убайдуллох Ахрор Валий ўз фаолияти билан Мовароуннахр ва Хуросон халкларининг XV аср-нинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган табаррук сиймолардан биридир. Манбаларда «илохий сирлар маорифининг орифи», «Аллоҳ йўли масоликлари солики», «беиштибоҳ валийлик фалагининг қутби», «хидоятпаноҳ», «хақойиқи огоҳ»¹ дея улуғланган Хожа Убайдуллох Ахрор Валий тасаввуф илми тараккиётида хожатон ва нақшбандлик тариқатининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳар томонлама бойитиб, уларнинг кенг тарқалишига катта ҳисса

¹ *Шарафуддин Роқимий. Тарихи томи* / Форсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изохлар муалл. Ҳ.Бобобеков, Н. Норкулов. – Т.: «Маънавият», 1998. 45-бет.




кўшган. Ранят ўртасида «валийлик осмонининг қутби» даражасига кўтарилган бу зот сулук ахли орасида «Накшбандийи соний» номи билан маълум ва машхур бўлган.

Хожа Убайдуллох Ахрор воқеа-ходисаларни таҳлил қилиш, уларнинг натижаларини «туш кўриш» орқали баён этган, бўлажак воқеа-ходисалар ҳақидаги кашфиётларини «тушда кўрдим» дея таъбир этган. Шу тўғрисида унга валийлик (авлиёлик) нисбати берилган, яъни у «Хожа Ахрор Валий» номи билан улуғланган. Унинг бу хислати эзгулик, эзгу ахлоқ сарийўналтирилган бўлиб, фуқаро орасида илохий фойзнинг кенг ёйилишига, шунинг билан бирга исломий ҳақиқат ва ишонч-эътиқоднинг мустаҳкамланишига замин бўлган. Халқ бу зотни улуғлаб, чин ихлос билан тилга олган. Хожа Ахрор Валийда нафсга берилиш тўғрисида

ўлик қалбларни тирилтириш ва маънавий камолотга эриштириш сифати Ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг ғойибдан илоҳий тарбияси орқали намоён бўлган. Шу йўлда бутун умрини бағишлаб, нақшбандийлик тариқатининг «Дил ба ёру даст ба кор» деган машҳур таълимоти асосида дилни Аллоҳ билан боғлаган ҳолда касб-ҳунар ва меҳнатни тарк этмай, умрни фойдали ва мазмунли ишларга сарф этишга даъват этган: «Одам шунчалик улуғворлиги билан ўз вақтини арзимас нарсалар учун зоеъ қилмоғига хайфим келади»¹.

Салкам тўксон йиллик умрини хайрли ишларга сарфлаган буюк алломанинг бой илмий мероси, ибратли ҳаёт тарзи, юксак ахлоқи, эзгу амаллари таҳсинга сазовор-

¹ Нақшбандия тариқатига онд қўлёзмалар фихристи. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1993. 23-бет.



дир. Ислом оламида қарийб етти асрдан буён «Муршиди офоқ» дея эъзозланиб келинаётган Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий олами кенг ва тегна мазмунга эга бўлганки, унинг сиймосида оммани ислом нуридан баҳраманд этган, тариқат раҳнамоси сифатида кишиларни шафоат йўлига бошлаган, бағрикенг, қалби дарё инсон намоен бўлади. Хожа Аҳрор Валийнинг фавқулодда ноёб, ақлу заковати, эътиқоди ва юксак фаросати, бекиёс инсоний фазилатлари, азгу амаллари тилларда дoston бўлган. Унинг ибратли ҳаёти Мир Абдуллавал Нишопурийнинг «Масмуъот», Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин», Фаҳруддин Али Сафийнинг «Рашахоту айнил ҳаёт», Абдулхай ал-Ҳусайнийнинг «Насабномаи Хожа Убайдуллох Аҳрор» ҳамда «Мақомоти Хожа Убайдуллох Аҳрор» китобларида



тасниф қилинган. Рисола буюк
аждодларимиз меросини чуқур
ўрганиш ва кенг тарғиб этиш-
да, хусусан, Хожа Ахрор Валий-
нинг эзгулик, маънавий камолот-
га чорловчи ғояларини халқимиз,
айниқса, ёшларимиз онги ва шу-
урига сингдириш, келажак ав-
лодни Ватанга садоқат, диний
кадриятларга ҳурмат, аждодларга
эҳтиром туйғусини тарбиялашда
беминнат хизмат қилади, деб умид
қиламиз.

Муршиди офок

*Улки бу офок ичида тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офок зарур*¹.

Хожа Ахрор Валий 1404 йилнинг (хижрий 806 й.) рамазон ойида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Бонистон кишлоғида таваллуд топган. Бу ҳақда Алишер Навоий юксак эҳтиром билан тилга олган: «Аларнинг мавлиди Тошкандир, оталари дарвеш киши эрмиш, она тарафидин хамоноки, Шайхи Таҳурки, ул вилоятда мутаайин (машҳур – З.И.) шайх эрмиш, анга етарлар ва ўзларида бу иш чошниси туфулият айёми-


¹ Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр / Тўла асарлар тўплами. 7-жилд. – Т.: «Фан», 1991. 98-бет.

дин бор эрмиш...»¹. «Рашахот»да зикр этилишича, Хожа Ахрор Валийнинг шажараси ота томонидан Абу Бакр Сиддикка, она тарафдан Умар ибн Хаттобга бориб туташади. Унинг она томонидан айрим авлодлари саййидлардир².

Хожа Убайдуллоҳнинг оила аъзолари ўз замонининг маърифатли кишилари бўлганлар. Дастлабки таълимни у отаси Хожа Махмуд

¹ *Алишер Навоий*. Насойим ул-мухаббат мин шамоийм ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М. Мирзаахмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мух. С. Рафиддинов. – Т.: «Фан», 2001. 279-бет.

² *Фахруддин Али Сафий*. Рашахоту айнил-хаёт (Оби хаёт томчилари) / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино номдаги тиббиёт нашриёти, 2004. 223-бет.



ва тоғаси Хожа Иброҳимдан олган. Хожа Иброҳим жияни Хожа Аҳрор Валий ўқишини давом эттиришини истаб, уни бу ишга рағбатлантирган. Бу ҳақда Хожа Аҳрор Валий шундай хикоя қилади: «Тоғам менинг ўқишни давом эттиришимни истардилар. Шу мақсадда у киши мени Шошдан ўзлари билан бирга Самарқандга олиб келдилар»¹. Бу воқеа Хожа Аҳрор Валийнинг 23–24 ёшлигида, яъни 1427 йилда содир бўлган. Хожа Иброҳим жиянини Шошдан Самарқандга олиб келишининг ўзига хос сабаблари борки, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқанд Мовароуннаҳрнинг илм ва маърифат маркази сифатида маълум ва машҳур эди.

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт. 232-бет.

Хожа Ахрор Валийнинг устозлари


*Қутблар саййиди, муттақийлар
санади,
Муддао асари талаб каъбасидир.
Аллоҳ замири сирларидан огоҳ,
Дин ҳодийи Хожа Убайдуллоҳдир¹.*

Хожа Ахрор Валийнинг тоғаси Хожа Иброҳим уни Мавлоно Қутбиддин Садр мадрасасига ўқинишга олиб келади. Ўқини давомида Хожа Ахрор Валий Самарқанднинг машҳур уламо-си Саъдуддин Кошғарий (ваф. 1456 й.) ҳамда Самарқандга келган Амир Саййид Косими Анвор (ваф. 1434 й.) суҳбатларидан баҳраманд бўлади. Хожа Убайдуллоҳнинг саломатлиги ёмонлашгани туфайли мадраса таълимини давом эттира

¹ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. 49-бет.

олмаган бўлса ҳам, ўз билимини ошириш учун Қуръони карим, ҳадис, фикх, фалсафа ва тасаввуф илми билан жиддий шуғулланган. Хожа Ахрор Валийда илм ўрганишга чанқоклик, мукаммал билим олишга муштоклик фазилати жуда ибратли бўлиб, ҳамиша устозлар ҳузурида шу чанқоклик хиссини туйган.

Хожа Ахрор Валий Бухорода, сўнг Хиротда (1427–1433 йилларга тўғри келади – З.И.) бўлиб, кўплаб тариқат пирлари – бухоролик Хожа Алоуддин Ғиждувоний, Мавлоно Ҳусомуддин, хиротлик Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофийлар суҳбатида бўлган. Тариқат сирларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1433 йил Чағониён (ҳозирги Сурхондарё ва қисман Қашқадарё вилоятлари chegarасида жойлашган – З.И.)га, Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг



халифаси Мавлоно Яъқуб Чархий¹ (ваф. 1447 й.) қошига келган ва ундан нақшбандия тариқати асосларини ўрганган. Бу ерда Яъқуб Чархийнинг «Рисолаи унсия» китоби билан танишган. Хожа Ахрор Валий Мавлоно Яъқуб Чархий сиймосида маънавий пирини кўриб, унга мурид бўлади. Хожа Ахрор Валийнинг «Иродат қўли Мавлоно Яъқуб к.с., тарбият услубли мукаммал ва комил пок доманларида эди»². Бу ҳақда «Насойим ул-муҳаббат»да «Хожа Убайдуллоҳ йигит бўлғондин сўнграким, Хурсон машойихидин Ҳазрати Мир Саййид Қосим Анвор хизматларига

¹ *Яъқуб Чархий*. «Рисолаи қудсийя», «Рисолаи абдолийя», «Шарҳи асмоуллоҳ», «Рисолаи унсийя», «Тафсири Чархий», «Китоб ул-фароиз», «Рисола дар манокиб ва ақоид» каби асарлар муаллифидир.

² *Шарафуддин Роқимий*. Тарихи томм. 45-бет.



етишибдурлар ва Шайх Баҳоуддин Умар мулозаматларига мушарраф бўлибтурлар ва Шайх Зайниддин Хавофийнинг суҳбатларига етишибдурлар ва Мавлоно Мухаммад Асъад ва Мавлоно Саъиддин Кошғарий бирла суҳбат тутубтурлар ва Мовароуннахр машоъихидин Хожа Мухаммад Порсо мулозаматларига етибтурлар ва Хожа Абу Наср суҳбатига етибтурлар ва Мавлоно Низомиддин Хомуш бирла суҳбат қурубтурлар. Мавлоно Яъқуби Чархийдин иршодлар ва тарбиялар топибтурлар»¹ дея зикр этилган.

Яъқуб Чархий Хожа Ахрор Валийнинг иктидорини юксак баҳолаб, уни «Хожа Убайдуллох илохий сирлар донишманди, тариқат йўловчиси, ҳеч шубҳасиз валийлик осмонининг қутби,

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. 280-бет.

хақиқатга интилувчиларнинг пушти паноҳидир» деб таърифлаган. 1434 йилда Тошкентга қайтган Хожа Аҳрор Валий соликларни ҳақ йўлга даъват қилиш, шунингдек, зироатчилик ва савдо-сотиқ ишлари билан машғул бўлади. Бунинг сабаби узоқ-яқиндан Хожа Аҳрор Валий хузурига илм истаб келган муридларнинг хотири тирикчилик ташвиши билан беҳад паршон бўлмаслиги, уларнинг озиқ-овқат, кундалик эҳтиёжларни қондиришлари учун касб билан ҳам шуғулланишлари тақозо этилганида эди.

Хожа Аҳрор Валий қайси ишга қўл урмасин, бош бўлмасин, ишлари бароридан келиб, ҳосиллар баракали, савдолар фойдали бўлган. Хожа Аҳрор Валийнинг иш кўзини билиши, удабуронлиги, тадбиркорлиги, ҳожатбарорлиги Мовароуннаҳр ва Хуросонда

тахсинга сазовор бўлган, обрў-
эътибори кундан-кунга ошиб, ва-
лийлик салоҳияти тилларда дос-
тон бўлган. Бунинг замирида эса
халоллик ва тўғрилик ётган. Хожа
Ахрор Валий 1450 йилда Абу
Саъид Мирзонинг таклифи билан
онласини олиб Самаркандга кўчиб
келган ва умрининг охиригача шу
ерда истикомат қилган.

Самарқанд фаҳри

*То равзаи Хожа мазҳари анворасти,
Манзилгоҳи қутби мажмаи аброрасти.
Хуррият ҳар ду кави ҳосил гардад,
Он кас, ку гуломи Хожа Аҳрор аст¹.*

Хожа Аҳрор Валий Самарқандда султон маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Шу туфайли бу ерда Хожа Аҳрорнинг обрӯ ва мартабаси тез фурсатда жуда ортиб кетди ва у ўзининг «олӣ мақом илоҳӣ сирларнинг орифи ва мазҳари», «давлат ва дин шарафи» каби юксак унвонларга лойиклигини кўрсатди.

¹ *Шарафуддин Роқимий*. Тарихи томм. 46-бет. Таржимаси: Хожа равзаси нурлар мазҳари экан, Қутб манзилгоҳи аброрлар мажмаиндир. Ҳар икки олам хуррияти ҳосил бўлур, Кимки Хожа Аҳрор гуломиндир.

Хожа Ахрор Валий давлат арбоби сифатида кўплаб эзгу ишларни амалга оширди, ўзаро ички урушларни тинч йўл билан хал этиш, урушларни тўхтатиш, адолат тантана қилиши учун бор кучини аямай, эзгу ғояларни амалиётга татбиқ этишга эришди: «сўфий ўзини халос этмайди, балки у дунёни ҳам қутқаради, дунёни қутқариш учун сўфий унинг устидан ҳукмронлик қилиши лозим бўлади, дунёнинг устидан ҳукмронлик қилиш учун у билан фаол муносабатда бўлиши керак»¹.

Хожа Ахрор Валий фукаро ва акобир (давлат рахбарлари) нинг пушти паноҳи сифатида шуҳрат қозонган. Унинг бу юксак мартабаси бекиёс мол-мўлки туфайли бўлганми? Йўқ, аксинча, Хожа Ахрор Валийнинг шайхлиги,

¹ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Табаррук рисолалар. 143-бет.

каромотгўйлиги, инсонпарварлиги, саховатпешалиги унинг моддий фаровонлиги ва юксак мартабаси учун замин бўлган. Унинг тақир ва бўз ерлардан сув чиқариш, қурбончилик пайтида ёмғир ёлдириш, сувни тескари оқиза олиш, фарзандталаб инсонларга дуо билан фарзанд сўраб бериш каби кароматлари эл орасида машҳур бўлган. Аллоҳ бу зотга фавқулодда зукколик, донолик, адолатпешалик, донишмандлик каби фазилатни ато этган.

Хожа Аҳрор Валийнинг илм аҳлига рағбати кучли бўлиб, олиму уламолар билан ўтказган мажлислари хамиша файзли бўлган. Хожа Аҳрор Валий Самарқандда «Мадрасаи сафед» номи билан машҳур мадраса қурдирган. Шунингдек, Тошкент ва Хирот шаҳарларида ҳам мадрасалар бунёд эттирган.

Заҳриддин Мухаммад Бобур
Хожа Ахрор Валийнинг ижти-
монӣ ҳаётдаги фаолиятига катта
баҳо берган. «Самарқанд аҳликим,
йиғирма-йиғирма беш йил Сул-
тон Аҳмад Мирзонинг замонасида
рафоҳият ва фароғат била ўтқариб
эдилар, аксар муомала Ҳазрати
Хожа (Убайдуллоҳ) жихатидин
адл ва шаръ тарӣқи била эди»¹
дея қайд этиб, Хожа Ахрор Ва-
лийнинг ниҳоятда муўтабар сий-
мо, улуғ мураббий, мададкор ва
хидоят қилувчи муршид сифатида
тан олган ва эътироф этган. Хожа
Ахрор Валий Самарқандда машхур
давлат арбоби сифатида фаолият
олиб бориш орқали бир томондан,
мамлакат маънавий-маданий, ижти-
монӣ-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига
жиддий таъсир кўрсатиб, «жаҳон

¹ Заҳриддин Мухаммад Бобур. Бо-
бурнома. 24-бет.

мулкининг нигохбони» мартабасига эришган. Бошқа томондан, нақшбандийлик тариқатининг назарий ва амалий мукаммаллашуви йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлари учун «муршиди офок», яъни оламнинг пири комили сифатида улуғланган.

Хожа Аҳрор Валий 1490 йилда Самарқанд вилоятининг Камонгарон кишлоғида вафот этган ва унинг васиятига кўра табаррук жасади «Ҳазрати Кафшир» маҳалласидаги уйига дафн этилган. Шундан сўнг бу жойлар «Хожа Аҳрор мавзеси» деб атала бошлаган. Кейинчалик Хожа Аҳрор Валийнинг кабри устига мухташам кабртош ўрнатилган¹. Дахма кабристоннинг олд томони-


¹ Хожа Аҳрор Валий зиёратгоҳидаги кабртош ёзувлари. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. 3-бет.

да жойлашган. Дахмада, шунингдек, ўн тўртта қабр мавжуд¹.

Хожа Аҳрор Валий ёдгорлик мажмуаси мадраса, масжид, минора² ҳамда ҳовуздан иборат бўлиб, мадраса Нодир Девонбеги томонидан бунёд этилган. Хожа Аҳрор Валийнинг вафотидан кейин, унинг ҳаётига бағишланган кўплаб тарихлар битилган ва уларда Хожа «қутб саййиди», «муттакийлар санади», «Аллоҳ замири сирларидан огоҳ»,

¹ Хожа Аҳрор Валий дахмасида ўн тўртта қабр мавжуд. Дахмада қуйидаги зотларнинг қабртошлари бор: Хожа Аҳрор Валий, унинг набиралари Хожа Юсуф, Хожа Абдулҳак, Хожа Абдушаҳид, Хожа Абдулҳодий, Хожа Мухаммад Яҳё, Хожа Хованд Махмуд, эваралари Хожа Мухаммад Ҳошим Аҳрор. Хожа Аҳрор Валий хонадонига мансуб аёлларнинг қабри дахманинг орқа тарафида бўлиб, у ерда йиғирмага яқин қабр бор.

² Мухандис қурувчи Дўст Мухаммад 1909 йили уста Саъдулла томонидан минора қурдирган.



«дин ходийси», «саййинд ул-ахёр», «дунё ва дин хожаси», «хожалар хожаси», «соликлар муршиди», «муршиди ориф», «замон қутби» дея улуғланган¹. Жумладан, Алишер Навоий ёзган тарих-китъасида қуйидаги мисралар битилган:

Хожагон тариқатининг хожаси
Убайдуллох,
Муршиди соликони роҳи яқин.
Шуд ба хулди барин, ки аз ғавташ,
Соли таърих ғашт: «хулди барин»².

Хожа Ахрор Валийнинг му-
борак мақбараси доимо зиёрат-

¹ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. 49–51-бетлар.

² Бу ҳақда қаранг: Валихўжаев Б. Хожа Ахрори Вали. Хужжатли эссе. – Самарқанд: «Зарафшон», 1993. 20-бет. Таржимаси: Хожагон тариқатининг хожаси Убайдуллох, яхши йўл соликларининг муршиди. Вафот этгач, беҳинг сари отланди, шунинг учун тарих йили бўлди «хулди барин», яъни абадий ва олий беҳингдир.

чилар билан гавжум. Бу эса Қуръони каримдаги «Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг валийларига хавф йўқдур ва улар хафа ҳам бўлмаслар, улар иймон келтирганлар ва такво қилганлардир. Уларга ҳаёти дунёда ҳам, охирада ҳам хушхабар бор»¹ деб айтилган илоҳий сўзларнинг ёркин ифодасидир.

¹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Юнус сураси, 62–64-оятлар / Таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 216-бет.

Қутб ул-актоб

*Ба ту шамъи равшан дилои
зинда бод,
Бар офок нури ту тобада бод¹.*

Хожа Ахрор Валий нақшбандийлик тариқатининг пешқадами бўлиш билан бирга «фуқаро осойишталиги, ҳунар ва тижорат аҳлининг равнаки учун ҳар қандай баҳсли муаммоларни келишув билан, уруш ва қон тўкишсиз ҳал этган»². У ўз бобоси Шайх Хованди Тахурнинг «Мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма – мусулмон бўл» деган пурмаъно сўзларининг асл моҳиятини, яъни оддий, пок,

¹ Абдураҳмон Жомий. Хирадномаи Искандарий. 11-бет. Таржимаси: Сенинг-да кўнгли ёруғ кишиларнинг шамъи ҳамиша порласин, Бутун офок-дунёда сенинг нури-нинг мунаввар бўлсин.

² Маҳмудов Н. Ахрорийнома. – Самарканд: «Зарафшон», 2003. 29-бет.

халол, захматкаш ва комил инсон бўлишга даъватини яхши англагани учун ҳам инсонларга яхшилик қилиш, эзгу ишлари билан дунёни обод этиш, ғариб ва мискинлар аҳволдан огох бўлишга хамиша интилди.

Хожа Ахрор Валийнинг хўжалик юритиш фаолияти жуда кенг ривож топган. Унинг ихтиёридаги ерлар Тошкент вилоятидан то Амударё соҳилларигача бўлган жуда катта ҳудудни эгаллаган. Бу ҳудуд 58 минг гектар ерни ташкил этиб, унда миллионга яқин чорва, минглаб йилки, беҳисоб экинзорлар бўлган. Шунингдек, ҳудудда кўплаб ҳунармандчилик устахоналари, савдо дўконлари фаолият кўрсатган. Ургут, Миёнкол, Самарканд атрофидаги қишлоқларда Хожанинг уйлари ва боғлари бўлган.

Аммо шундай бекиёс мол-мулкка эга бўлган Хожа Ахрор Ва-

лий ўз ихтиёридаги ерлардан келадиган даромадни ўзи учун сарфламай, уни юртни ободонлаштириш, халкнинг оғирини енгил қилиш, солиқларини тўлаш, мадраса, масжид, хонакох, шифохона, мусофирхона қуриш ишларига сарфлаган¹ ва бу ишларни ахлокий мажбуриятдан эмас, балки қалб ҳузури билан амалга оширган. Шунинг учун ҳам бу зотнинг номи халқ ичида шу қўнғача ўз фахру ифтихорини, мухтарам зот сифатини сақлаб қолган. Бунинг исботини биз Хожа Ахрор Валийнинг «бизнинг дунё (мол-мулк) билан шўғулланишимиз саховат ва қарам қилиш учун эмас, балки одамларни тама қилишидан қутулиш учундир»² деган сўзларида кўришимиз мумкин.

¹ Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. – Т.: «Ёзувчи», 1994. 70-бет.

² Валихўжаев Б. Хожа Ахрори Вали. 108-бет.

Хожа Аҳрор Валий хожатбарорлигининг ёркин мисоли сифатида Умаршайх Мирзонинг Шош (Тошкент) аҳолисидан 250 000 динор ҳажмида солиқ талаб қилган вақтида Хожа Аҳрорнинг бу солиқларни ўзи тўлагани ҳамда фуқаронинг кишдан эсон-омон чиқиши учун яна қўшимча тарзда 70 000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топишиганини айтиш ўринли. Бу ва бошқа мисолларда халқ назарида Хожа Убайдуллох Аҳрор Валийнинг нақадар химматли ва покиза зот сифатида намоён бўлгани яққол кўринади. Бошқача айтганда, «Фақрлигим – фахримдир» деган ҳадисни дастуриламал қилган Хожа Аҳрор Валий дунёвий бойлик ва фаровонликдан ўзи учун фойдаланмасликка интилган, ҳисобсиз мол-мулкка эга бўлса ҳам, барча тамаларни рад этиб, факирона ҳаёт кечирган. Шу

ўринда факр хусусида тўхталсак: инсоннинг бу дунёга келиши ўз-лигини англаш, Ҳакни таниш ва билиш, Аллоҳга ҳақиқий бандалик қилишдир. Тасаввуф инсоннинг мол-дунё, бойликка эга бўлишига қарши бўлмаган, сўфийлар ичида бойлари ҳам, камбағаллари ҳам бўлган. Лекин, уларнинг асосий эътибори қалбга қаратилган. Улар умрни арзимас ва ўткинчи нарсалар, хою хавасларга сарфлашга қарши бўлганлар. Тарихда илм аҳли, шунингдек, сўфийларнинг ҳам савдо-сотик ишлари билан машғул бўлгани, бундан мақсад эса бойликка кўнгил қўйиш эмас, аксинча, мол-дунё ва бойликнинг моҳиятини тўғри тушуниб етиш ва уни эзгу ишларга сарфлаш эканини кўрсатувчи мисоллар та-дай. Бойликка эгаллик қилишнинг моҳияти бутун олам бойлиги қў-лида йиғилган ҳолда ҳам бу бой-

лик инсоннинг илоҳий сирлар манзилига элтувчи йўл бўла олмаслигини англаб етишдан иборатдир. Зеро, инсон қалби дунё неъматлари ва орзу-хаваслари билан тўлик бўлгани учун ҳам илоҳий сирлар мазҳари бўла олмайди. Шунинг учун қалбни бу неъматлардан озод эта билиш зарур. Шу маънода бойликка меҳр кўргизмаган ҳолда, унга эгаллик қилиш қомилликнинг жуда буюк синов тоши бўлиб хизмат қилган.

Қалб озод ва огоҳ бўлганидан кейингина асл маърифат учун йўл очилади: «Хизмат қилиш, меҳнат инсонга руҳий осудалик келтиргандагина фойдалидир. Қачонки у инсон қалбидан жой ола олса, буни меҳнат самараси ила келган бойлик деса бўлади. Меҳнатнинг меваси ҳеч қачон бойлик бўла олмайди. Бойлик тўплашга интилиш керак эмас. Аслида инсон ўз дунё-

сини маънан бойитиши учун ҳаракат қилмоғи керак»¹.

Хожа Аҳрор Валийга қарашли ерларнинг айрим қисми сотиб олинган бўлса, қолганлари назр қилиш йўли билан унинг номига ўтказилган. Бу деҳқонларга бир-мунча афзал бўлиб, Самарқанд ҳукмдори Абу Саъиднинг фармонига кўра Хожа Аҳрорнинг ерларидан ўндан бир ушр миқдорида солиқ олинган. Деҳқонлар ерларини ўз ихтиёрлари билан назр қилишаркан, ўз далаларидаги ишларини давом эттираверишган. Шу тариқа деҳқонлар ортиқча солиқлардан халос бўлишган. Ҳазрати Хожа «Бизнинг ишимиз мусулмонларни золимлар ёмонлигидан ва қаҳридан қўримоқдир»² деб мусулмонлар роҳатини ўйлаб, душ-

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашихоту айини-ҳаёт. 230-бет.

² Ўша манба. 387-бет.

манлик килувчиларга сулх таклиф этиб, уларни хамиша мурасага келтириб турган. Хожа Аҳрор Валий кишиларни иймон-эътиқодли ва фаол бўлишга чорлаган: «кўча-кўйда бўлса ҳам иш билан машғул бўлинг. Халқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Қисқа вақт ичида касб-ҳунар ўрганишга интилинг, малака ҳосил қилинг. Шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек яхши қиёфангиз пайдо бўлади»¹.

Хожа Аҳрор Валийнинг тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва ҳамжихатлик, меҳр-оқибат ва осойишталик, шафқат ва мурувват борасидаги фаолияти унинг «Шижоатлик киши уруш кунларида танилур. Омонатдор киши диёнатни бермоқ ва олмоқ вақтида билинур. Хотун ва фарзанднинг меҳру ва-

¹ *Фихруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-хаёт. 246-бет.*

фоси камбағалликда фахмланур.
Дўстларнинг дўстлиги машаққат
ва меҳнат чоғида билинур»¹ деган
пурмаъно сўзларида ўз ифодасини
топган.

¹ Жавомий ул-калим / Хожа Убайдуллох
Ахрор. Табаррук рисоалар. 333-бет.

Тарикат ислохотчиси

*Зоҳирий — халққа, ботин — Хаққа,
Болиқ и солиқ ота андоққа¹.*

Накшбандийлик тарикатининг пири комили сифатида Хожа Аҳрор Валийнинг таъсир доираси Хуросон, Ирок, Озарбайжон, ҳаттоки Рум, Миср, Хитой ва Хиндистонгача етган: «Барча мулк ва салотин ўзларин Хожанинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди ва рукъалари бу салотинга онча муяссар эрди»². Хожа Аҳрор Валий кўплаб муридлар тарбиялаган. Жумладан, Мавлоно Қосим, Мавлоно Хожа Али, Мавлоно Мир Ҳусайн, Мавлоно Муҳаммад, Мир Абдулаввал, Мав-

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолан волидия. 14-бет.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 255-бет.

лоно Бурхонуддин, Мавлоно Лут-фуллох, Мавлоно Хусайн Турк, Дарвеш Жомий шулар жумласидандир.

Хожа Аҳрор Валий буюк мақом соҳиби бўлса ҳамки, ҳокимиятни олишга интилмаган, аксинча, мавжуд жамиятни соғломлаштиришга ва ахлоқий етукликка даъват этган. Алишер Навоий эътироф этганидек, «...аларнинг шариф вужудлари баракатидин бу шариф силсиланинг (*нақшбандлик тариқати*) илтиём (*бирикиши*) ва интизоми (*тартиби*) ила явмилкиём (*қиематга қадар*) имтидод тошқай (давом этади)»¹.

Маълумки, хожагон-нақшбандийлик тариқати шарият руҳсат берган даражада мулкка ҳалол касб воситасида орттириш ва фуқаролар манфаати учун яшаш

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 279-бет.

тамойилига амал қилганлар. Бу тамойил Хожа Ахрор Валий томонидан янада ривожлантирилган бўлиб, бундан кўзланган мақсад тариқат манфаатларини халқ манфаатлари учун хизмат қилдириш, тўпланган бойликни халқнинг *энг зарурий* эҳтиёжларини қондириш учун сарфлашдан иборат эди.

Хожа Ахрор Валий ҳукмдорлар онгига адолат мезони шарият қонунларига риоя қилишда экани, яъни қайси ҳукмдор солиҳ ва одил инсон бўлиб, халқни ўйлаган ва оқиллик билан давлатни бошқарган бўлса, шу мамлакат обод бўлиши, фуқаролар мухтожлик кўрмай, фаровонликда яшашни ҳақидаги фикр-ни ҳамниша олдинга суриб келган.

Хожа Убайдуллох Ахрорнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки 1451–1452 йилларга тўғри келади. Маълумки, 1447 йил теурийлар давлати бош ҳукмдо-


ри Шохрухнинг, 1449 йили эса Мовароуннахр хукмдори Мирзо Улугбекнинг вафотидан сўнг бир неча йил темурий шахзодалар орасида тахт учун тинимсиз кураш борган. 1451 йили шахзодалардан бири Абу Саъид Мирзо Тошкентда бўлиб, Хожа Ахрор Валийни ўзига маънавий мададкор қилади ва шу йили Мирзо Абдулло билан бўлган жангда қўли баланд келиб Самарқанд тахтини эгаллайди. Шахзода бундан янада руҳланиб, пири муршиди Хожа Ахрор Валийни Тошкентдан Самарқандга кўчириб келади. Демак, Хожа Ахрор Валийнинг Самарқандда муқим туриши 1451 йилдан бошланган. Унинг мамлакат сиёсий жараёнларидаги иштироки 1454 йилга тўғри келади. Шу йили Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур Самарқандни камал қилган эди. Хожа Ахрор Валий шаҳар химоячиларига бош бўлиб, душ-

манин сулҳ тузинишга мажбур этади. Шу билан Хожа Аҳрор Валийнинг шахзодалар орасидаги низоларни сулҳ билан якунлаб, мамлакатда тинчлик-осойишталик ўрнатишга қаратилган сиёсий фаолияти умр бўйи давом этади. Унинг 1458 йили Шохрухияда ўзаро қонли тўқнашувга уч ҳукмдор: Султон Абу Саъид (ваф. 1469 й.)нинг ўғиллари Султон Аҳмад Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Юнусхон (ваф. 1487 й.)нинг ўғли Султон Маҳмуд орасидаги низони сулҳ билан бартараф қилгани манбаларда акс этган. Хожа Убайдуллох Аҳрор Валийнинг ҳукмдорлар орасидаги обрўси нақадар қучлилиги «Рашахот»да яхши ёритилган. Унда ёзилишича, Султон Аҳмад Мирзо (қ.с.) ҳазратларини зиёрат қилгани Мотурид қишлоғига келади. Хожа Аҳрорнинг ҳузурига киргач, тиз чўкиб одоб билан ўтиради. Хожа Убайдуллох

унга илтифот кўрсатганда, Султон Аҳмад Мирзо унинг салобати каршисида дир-дир титраб, пешонасидан тер томчилаган экан¹.

Хожа Аҳрор Валийнинг темурий ҳукмдорлар олдида обрў-эътибори шунчалик баланд бўлганки, улар Хожанинг маслахатисиз бирор-бир масалани ҳал қилишмаган. Хожа Аҳрор Валийнинг қабр тошидаги битикларда ҳам бу ўз аксини топган: «...замон уламолари ва даврон фузалолари у билан илмий суҳбат қуришганларида, ақлий ва нақлий илмлар борасида улардан устунлигини кўриб хайратланар эдилар. Ва яна, узоқ-яқин, Шарқу Фарбидан бўлган султон ва хоконлар унинг (Хожа Аҳрор Валийнинг – З.И.) хат ва ҳукмлари олдида иродат бошларини таслим қилиб, ерга эгилар ҳамда пешоналарини унинг

¹ *Фахруддин Али Сафий*. Рашахоту айнил-хаёт. 388-бет.



юқори эшиги оstonасига суртар эдилар. Ул зот қаламининг бир харакатидан ва пойқадамининг баракатидан балову бузғунчиликлар тўхтатилар эди»¹.

Давлатдорлар билан муносабат ўрнатиш тариқат пирлари учун тарихий зарурият эканини Хожа Ахрор Валий яхши англаган ва бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаган эди: «мунча мулоҳаза қилдим, подшоҳлар мадади, кўмагисиз ҳеч натижага эришиш мумкин эмас, демакки, Ҳақ субхонаҳу ва таоло мени подшоҳлар билан ихтилот (борди-келди, сулҳ, мулоқот, кенгаш, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик – З.И.) қилишга масъул қилди».

Ўз даврининг суронли шиддатига дош бериш, бу билан чекланмай, унга таъсир кўрсата билиш Хожа Ахрор Валийнинг чинакам

¹ Хожа Ахрор Валий зиёратгоҳидаги қабртош ёзувлари. 9–10-бетлар.

буюк тариқат пешвоси экани-
нинг далилидир. Унинг сиймоси-
да фидойилик ва донишмандлик,
фақрлик ва хокисорлик, бадавлат-
лик ва ғарибпарварлик, инсофу
тавфиқ, меҳру мурувват ва сахо-
ватпешалик мужассам бўлган.

Хожа Ахрор Валийнинг давлат-
га муносабат масаласидаги янгича
ёндашуви тариқатнинг кейинги
тараққиёти учун жиддий аҳамият
касб этиш билан бирга, тариқат ва
давлат ўртасидаги низо ва келиш-
мовчиликларни ҳам бартараф этиш-
дек олийжаноб хизмат, ирфоний
ва ижтимоий фаолиятининг уйғун
ривожланиши учун кучли туртки
бўлган. Унинг ўз олдига қўйган
эзгу вазифаси подшоларни тўғри,
адолат йўлига чорлаш, мамлакатда
осойишталик ҳамда барқарорлик
ўрнатиш, ҳукмдорлар қалбида
фуқаропарварлик туйғусини кучай-
тириш, фуқароларга инсоф-адолат

билан муносабатда бўлишга даъват этиш ва буни амалга оширувчи таъминлашдай олий мақсад бўлган. Шунинг билан қайси этиш жоизки, Хожа Ахрор Валийнинг бемисл ақл-заковати тўғрисида султонлар билан тариқат пешволарининг ихтилотда бўлишдек янги сиёсати тариқат раънақи учун ҳам, мамлакат ободлиги учун ҳам, жамият осойишталиги ва оддий халқ манфаатлари учун ҳам бирдек хизмат қилган.

Мирзо Улуғбек ва Хожа Ахрор Валий

*Зад ба жаҳон навбати шаҳаншоҳи,
Кавкабаи фақри Убайдуллоҳи.
Рӯи замин к-аш на сар на бун даст,
Дар назариш чун рӯи як нохун аст.
Як рӯи нохун, ки ба даст оядаш.
Он, ки ҳуррияти фақр огаҳ аст,
Хожа Ахрори Убайдуллоҳ аст¹.*

Мирзо Улуғбек билан Хожа Ахрор Валий ўртасидаги муносабатни ҳолисона баҳолаш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, собиқ шўролар тузуми мафкураси ҳукмронлиги дав-

¹ Абдурахмон Жомий. Тухфат ул-ахрор / Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. 47-бет. Таржимаси: Жаҳонда шаҳаншоҳлик навбати ундан, Убайдуллоҳий фақрлик юлдузидир. Ер юзи, ки на боши ва на адои бордир, Унинг назарида тирноқ юзи-чалиқдир. Бир нохуш юзаси унинг қўлида, Қачон фақр йўлида шикаст тегар, Фақр ҳурриятидан огоҳдир – Ул Хожа Ахрор Убайдуллоҳдир.

рида Мирзо Улуғбекнинг шаҳид бўлишида, расадхонасининг вайрон қилинишда Хожа Аҳрор Валий айбдор, деган фикр уктириб келинди. Масалан, академик В.В. Бартольд Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбек ўртасидаги муносабатни бузиб талқин қилиб, «Ўн бешинчи аср Ўрта Осиё учун икки дунёқарашнинг кураш замони бўлди. Бу дунёқарашлардан бири-нинг намояндаси Амир Темурнинг невараси, Мирзо Улуғбек бўлиб, ўтмишда Амир Темурнинг пойтахти Самаркандда ҳукмронлик қилди. Иккинчи дунёқарашнинг намояндаси нақшбандийлар пешвоси Хожа Аҳрор бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг икки йил ўтгач, ўзининг диний обрўсини ишга солиб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олди ва уни Амир Темурнинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали

идора килди»¹, – деб ёзган. Бундан бу икки тарихий шахс бирига қарши кураш олиб боргани ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Ваҳоланки, Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбек орасидаги муносабат муаммоларини батафсил ўрганган шарқшунос олим К. Каттаев Хожа Аҳрор Валийнинг халққа танилгандан кейин, Самарқандга биринчи марта 1450 йилда келгани, Мирзо Улуғбек эса Хожа Аҳрор Валийнинг расмий келишидан бир йил илгари шахид этилгани, Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек бир-бирлари билан ҳатто учрашмаганларини таъкидлайди. Шунингдек, Хожа Аҳрор Валий нафақат Мирзо Улуғбек, балки унинг ўғли Абдуллатиф ҳам шахид этилганидан сўнг, ҳокимият Мирзо Улуғбекнинг қўли ва

¹ Улуғбек расадхонаси. Ўз ССР ФА Тарих ва археология институти. 5-том. – Т.: «Фан», 1952. 12–33-бетлар.

жияни Абдулла Мирзо кўлига ўтганидан кейин Самарқандга келганини қайд этади ва шу далилнинг ўзи Хожа Ахрор Валийнинг Мирзо Улуғбек фожиясига умуман алоқаси йўқлигини кўрсатади¹. «Рашахот»да ҳам «Мирзо Улуғбек Шохрухия (собик Бинокент) қасабасида кенжа ўғли Абдулазиз билан бирга қўлга олинган ва шафқатсиз ўғли Абдуллатифнинг амри билан эронли Аббос исмли бир хизматкор томонидан қатл этилди. Шаркнинг энг ёрқин ҳукмдорларидан бири шу тарика йўқ қилинди»² деб ёзилган³. Шун-

¹ Каттаев К. Хожа Ахрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини. Самарқанд, 2004. 23–24-бетлар.

² Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт. 129-бет.


³ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи / Нашрга тайёрловчи Сирожиiddин Аҳмад. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 63-бет.

га карамай, мустабид тузум дав-
рида Хожа Ахрор Валий шахси
қораланиб, «қишлоки шайх»нинг
ғалабалари ваҳшийликнинг Улуғбек
даврида юксалган шахар маданияти
устидан тантанаси эди»¹, «Улуғбек
даври илмий ютуқларини смириш-
нинг асосий ташаббускори, санъат
ва адабиёт душмани», «даврнинг
энг йирик олими Улуғбекнинг
қонли ҳалокати ташаббускори»,
«жаҳолатпараст ва тамагир, XV аср
Ўрта Осиёдаги энг ашаддий
мудҳиш сиймо», «ғоят ёвуз, маъ-
рифат душмани ва ўтакетган ре-
акционер эди. Бир неча ўн йил
давомида ҳар қандай хур фикрни

¹ Бартольд В.В. Улугбек и Ходжа Ах-
рар / Реферат доклада прочтенного 25 мар-
та 1915 г. Бу ҳақда яна қаранг: *Большы-
рев Н.А.* Еще раз к вопросу о Хадже-Ахра-
ре // *Духовенство и политическая жизнь
на Ближнем и Среднем Востоке в период
феодализма: Сб. статей.* — М.: 1985. 7-стр.

бўғиб келди. Турли хийла-найранг ишлатиб, деҳқонларга зўравонлик қилиб, қабих йўллар билан катта давлат тўплаган эди. Атрофига бутун қора гурух кучлари — жоҳиллар, мутасаввуфлар, хурофотпарастларни тўпланган эди»¹ деб қайд этилган бўлса ҳам, манбалар бу фикр-мулоҳазаларнинг мағизи пуч, хомхаёл эканини кўрсатди. Тарихий саналар таҳлил этилса, Мирзо Улуғбекнинг 1394—1449 йилларда, Хожа Ахрор Валий 1404—1490 йилларда яшагани англашилади. Мирзо Улуғбек қатл этилганда 55 ёшда бўлган. Бу вақтда Хожа Ахрор Валий 45 ёшда бўлган. Хожа Ахрорнинг бу даврда Самарқанддаги нуфузи фатво бериш даражасига етмаган, Тошкентда зироат ишлари билан банд бўлган. Унинг Самарқандга кели-

¹ Алексеров Ю. Улуғбек расадхонаси. — Т.: «Фан», 1965. 11-бет.



ши ва у ерда муқим яшаб қолиши
Мирзо Улуғбекнинг ўлиmidан
бир неча йилдан сўнг Абу Саъид
Мирзо ҳукмронлик қилган даврга
тўғри келади. Манбаларда теуурий
шахзодалар Хожа Аҳрор Валийни
ўзларига пир деб билишгани, ўша
даврнинг илм аҳли бу зотни «ва-
лийлик осмонининг қутби», «Хо-
жаи Аҳрор» (барча асирликлар,
дунё лаззати, хоҳиш, ирода, Ҳақ
иродасига бўйсуниб, барча анъа-
на ва одатдан озод, ҳур бўлган)
деб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишгани,
халқнинг Хожа Аҳрорни ўзининг
пушти-паноҳи, суянган тоғи деб
билишгани эътиборга олинса, ҳеч
қайси замон ва тарихда олим-
нинг ўлимига фатво беришдек
жоҳиллик қилган кимса осмон
қадар улуғланмагани англашила-
ди. Бундан «буюк пири муршид
Хожа Аҳрор Валийнинг Мирзо
Улуғбекнинг фожиали ўлимига

алокаси йўқ» деган хулосага келиш мумкин. Ҳақиқатда эса, Мирзо Улуғбек билан адоватда бўлган шахс Хожа Аҳрор Валий эмас, балки Мавлоно Низомиддин Хомуш бўлиб, бу икки тариқат пешволари тарихда чалкаштириб юборилган. Шу ўринда рус шарқшунос олими Н.А. Больдиревнинг Хожа Аҳрор Валийга бағишланган тадқиқотлари бу зот шахсига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирганини қайд этиш жоизки, олим; Хожа Аҳрор ҳақидаги тадқиқотим менинг «оқ-қуш қўшиғим» бўлади, деб айтган. Олим ҳаётининг сўнгида Хожа Аҳрордек нуфузли ва мухтарам шайх, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг пири муршиди, илмда ўзининг ҳаққоний баҳосини олмай келган дин арбоби ҳақида ёзишга журъат қилган. Олим мавжуд тадқиқотларни ўрганиш жараёнидаги хато ва камчилик, бир


ёқлама фикрларни танқид қилиб,
хар бир манбага холисона ёндаш-
ган ҳолда Ҳожа Аҳрор Валий-
нинг фаолиятини илк бор илмий
баҳолаган¹.

¹ *Большдирев Н.А. Ҳожа Аҳрор хақида /*
С.Ғаниева таржимаси. – Т.: 1997.

Хожа Аҳрор Валий ва Абдурахмон Жомий

*Зада асҳоби Хожа ҳалқа ба ҳам,
Чун нигинанд ҳалқа дар хотам.
Ҳаббазо, ҳалқае, ки ғавжи малак,
Ҳалқа дар ғӯши он аст авжи фалак.
Филмасал, гар ҳазор дил мурда,
Аз ҳавои нафс афсурда.
Бигзарад аз ҳарими маҳфилашон,
Зинда гардад зи мурдаги дилашон.
Ёди вақте, ки вақти ман хуш буд,
Давлатам сўяшон инонкаш буд.
Гирдашон гаштаме ва ҳар рӯза,
Кардаме қатра-қатра дарюза¹.*

¹ Абдурахмон Жомий. Силсилат уз-заҳаб. 45-бет. Таржимаси: Хожа Аҳрор ва унинг суҳбатдошлари узук ва унга кадалган кўзга ўхшайдилар, ғўё мало-икалар йиғинида фалак хизматларига бел боғлаб тургандек. Агар нафсга берилиш туфайли кўнгли ўлик мингта киши бу манзил яқинидан ўтса, уларнинг кўнгли тирилади. Мен ул Ҳазратнинг хизматида бўлган бахтли дамларни ҳар вақт эслайман, чунки мен ул киши атрофида парвонадек айланиб, ҳар кун уларнинг сифатларидан катра-катра бахраманд бўлар эдим.



Хуросон тасаввуф мактаби на-
мояндаси, шоир ва мутафаккир
Абдурахмон Жомий (ваф. 1492 й.)
Хожа Ахрор Валий билан шахсан
таниш бўлган ва бир неча бор уч-
рашишга муяссар бўлган. Улар-
нинг илк учрашувлари Хиротда
бўлган.

Хожа Ахрор Валий 1460 йил-
да Хиротга тамға ва ёрғуни бе-
кор қилиш учун ташриф буюриб,
ўн саккиз кун истикомат қилади.
Шу саналарда Абдурахмон Жомий
Хожа Ахрор Валий билан учра-
шади ва икки буюк зот ўртасида
илоҳий боғланиш содир бўлади.

Абдурахмон Жомий Саъдуддин
Кошғарийнинг Хожа Ахрор Ва-
лий ҳақидаги хикояларидан таъ-
сирланиб, унга нисбатан ғойибона
эътиқодни шакллантириб, ўзига
маънавий пир деб қабул қилган
эди. Бунинг замирида уларнинг

дунёқарашидаги фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ҳамоҳанглик ётади.

Абдурахмон Жомий 1465 йилда Самарқандда ярим йил, 1467 йилда Марвда бир йил, 1479 йилда Самарқанд ва Андижонда етти ой умргузаронлик қилган. Уларнинг муносабатлари асосан мактублар ва дўстона учрашувларда мустаҳкамланган. Бу унсият Хожа Ахрор Валийнинг ўлимига қадар давом этган. Хожа Ахрор Валийнинг ҳаёти ва фаолиятини мукамал ёритган олим Абдурахмон Жомий бўлган, деб айтиш мумкин. У ўзининг «Искандар хирадномаси» достонида «Муқаддас Ҳазрат Убайдуллох сихатликлари дуосида» фаслида ўттиз етти байт, «Юсуф ва Зулайҳо» достонидаги «Хожа номини зикр этишда ок фотиҳа тилашлик» фаслида ўттиз беш байт, «Тухфат ул-ахрор» достони эса тўлалигича Хожа Ахрор

Валийга бағишланган. «Силсилат уз-заҳаб» достонининг «Қасрат су-
ратининг тазохири ваҳдоният асро-
рини кўришга монелик қилмайди»
номли фаслида эса Хожа Аҳрор
Валийнинг донишмандлиги, тад-
биркор сиёсатдонлиги, саховату
мурувватда яғналиги ўта нафис
миераларда акс эттирилган. Бу
байтлар Хожа Аҳрор Валийнинг
ўзига хос ва такрорланмас фа-
зилатлари тилга олингани билан
аҳамиятлидир:

*Унинг донишмандлик чашмасидан,
Хуросу Мовароуннаҳр баҳра олади.
У саховат ва ирода қуввати билан
Чингиз авлоди исқиртидан пок
эти бизни.
У ёмғир каби саховатлидир,
Поклаб қўйиш эса булутнинг
ишидир¹.*

¹ Абдурахмон Жомий. Силсилат уз-
заҳаб. 22-бет.

«Хафт авранг» асарида Хожа Ахрор Валий васфига алохида боб ажратилгани ҳам буюк шоир Абдурахмон Жомийнинг буюк тарикат пири Хожа Ахрор Валийга бўлган алохида эътибори ва эътирофи ёрқин намоён бўлади. Абдурахмон Жомий «Хожа Убайдуллох факирлик кийимида шоҳона тантана соҳиби эди. Унинг тadbир-чоралари туфайли факирлик шоҳона тўн кийди» дейди ва Хожа Ахрор Валийни «фақр аҳлининг пешвоси», «каъбаи максуд» дея улуғлайди.

Хожа Аҳрор Валий ва Алишер Навоий

*Неча тушуб эғнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон кафидин юз либос.
Атласи гардун била минг зебу фар,
Тўрқа тўни остида кўк остар.
Лек ўшал тўрқаси ҳар тор ила,
Факрда юз муршид учун силсила¹.*

Хожа Аҳрор Валий билан Алишер Навоий замондош бўлишса ҳам, мўътабар манбаларда уларнинг қаерда ва қачон учрашганлари кайд этилмаган. Аммо, Хожа Аҳрор Валийнинг мактублари Алишер Навоийнинг Хожага нисбатан ихлоси ва мухаббатини оширгани, мактубларидаги сўзлари дилини хушнуд этгани ва дастхатларини кўз қорачиғидек асрагани шоирнинг ўзи томонидан баён этилгани маълум: «ул рукъаларни мураккаъ

¹ Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр. 49-бет.

ясаб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсини билан асрабмен. Умидим улки, аларнинг баракотидан бу ишнинг завқи ва талаби натиб (пайдо) бўлғай»¹.

Хожа Ахрор Валий ўз мактублари орқали катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалалар хақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, маслахат берган ва лозим бўлган жойларда амалий кўмак сўраган: «фуқаролар осойишталиги тинчликка боғлиқдир. Истар эдикки, темурийзода шахзодалар ўзаро тотувликда яшасалар, токи фуқаролар осойишталиги бузилмасин»².

Алишер Навоий саройдаги фитна ва бузгунчиликлардан чарчаб вазирлик лавозимидан кетмокчи

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. 140-бет.

² Мажмуаъи мурсалот / ЎзРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 2178-сонли қўлёзма. 201-бет.

бўлганда Хожа Ахрор Валий Абдурахмон Жомийнинг илтимосига кўра ғоят таъсирли мактуб битган: «баъзи бир воқеа ва ходисалар сабабли онҳазратнинг мулоҳаматида бўлишдан малоллик чекаётган эмишсиз. Илтимос шулки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарифингизни саройда мулозамат қилиш томонга қаратсангиз. Умидимиз шулки, бирор фақирнинг хотири бирон-бир кийинчиликдан нажот топиб, унинг кўнгли хурсандчиликка етишиши эвазига дингизда шундай раванглик зохир бўлсакки, дунёвий паришонликка қарамай, Ҳақ таолога етишиш завқи ортиб борса... Хеч ким мусулмонлар ғамини емай қўйган бу пайтда улар ҳақида қайғуриш энг ҳайрли ишлардан кўринади»¹.

¹ Ўринбоев А., Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактублари. – Т.: «Фан», 1990. 21-бет.

Алишер Навоий билан яқинлиги Хожанинг ўлимига қадар давом этган бўлиб, уларни бир-бирлари билан боғлаган жиҳат айнан тасаввуф экани маълум. Навоийнинг Хожа Ахрор Валийга бўлган меҳру мухаббати ва юксак эҳтироми «Мажолис ун-нафоис», «Хайрат ул-аброр», «Насойим ул-мухаббат», «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» каби асарларида акс этган. Бу асарларда Хожа Ахрор Валийнинг ўша даврдаги мавқеи, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Алишер Навоий Хожа Ахрорнинг тадбиркор зироатчи, йирик мулкдор сифатидаги фаолиятига ижобий баҳо бериб, «Пири офок» (Буюк пир) деб таърифлайди. Хожа Ахрор Валий шохлар билан раъият ўртасида қўприк вазифасини ўтагани, яъни бу мўътабар Ҳазрати эшон султонларнинг хожатини

хам раво килар ва, айни пайтда, халқнинг хожатини улардан сўраб олиб берганини ёритади. Алишер Навоий Хожа Ахрор Валийнинг накшбандийлик тариқатининг назарий ва амалий жиҳатдан мукаммаллашуви учун қилган саъй-ҳаракатларини таърифлаб, «Аларнинг шариф вужудлари баракати-дин бу шариф силсиланинг илтиём ва интизоми ило явмил қиём имтидод топқай»¹ деб эхтиром билан зикр этган.

«Мажмуаъи мурсалот»²дан ўрин олган мактублар буюк сиймолар – Хожа Ахрор Валий ва Алишер Навоий ўрталарида ғойи-

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 156-бет.

² Алишер Навоий ўз даврининг улуғлари мактубларини тўплаб, ўн олти муаллифнинг 550 та мактубидан альбом тайёрлаган. Улар орасида Хожа Ахрор Валийнинг ўз қўли билан ёзган 128 та дастхати ҳам мавжуд.

бона боғланган дўстлик риштала-
ри нақадар мустаҳкам бўлганини
қўрсатади. Зеро, бу икки зот бир-
бирларини қўрмай, билмай туриб
хам мактублар орқали қалбларидаги
қўнгил изҳорларию руҳиятларидаги
энг нозик нукталарни намоён эта
олганлари барча авлодлар учун
бемисл ибрат ва намуна бўлиб
қолади.

Хожа Аҳрор Валий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур

*Хазрати Хожа Убайдуллоҳдин,
Эшит, ул сирри Худо огоҳдин.
Хожалар хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму чоқари – Шибли-ю Жунайд.
Холоту мартабаси зоҳирдур,
Васфи таърифида тил қосирдур¹.*

Хожа Аҳрор Валий Умаршайх
Мирзо хонадонининг садокатли
дўсти ва маслаҳатгўйи, мурши-
ди қомили бўлган. Заҳириддин
Мухаммад Бобур туғилганида Хожа
Аҳрор Валий улуғ ёш – саксон
ёшни оралаган бўлган. Бобур Мир-
зо Хожа Аҳрорнинг фазилатлари
ва кашфу қароматлари, фарахбахш
суҳбатлари ҳақида илк бор ота-
си Умаршайх Мирзодан эшитган:

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолайи
волидия / Заҳириддин Мухаммад Бобур
таржимаси. – Т.: ТИУ нашриёти, 2004.
8-бет.

«Ҳазрат Хожа Убайдуллоға продати бор эрди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эрди. Ҳазрат Хожа ҳам «фарзанд» деб эрдилар»¹. Бобур ҳам ота изидан бориб, Хожа Аҳрор Валийга юксак хурмат-эҳтиром кўрсатган ва «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ», «Ҳазрати Хожа», «Хожа Аҳрор» дея уни эҳтиром билан тилга олган. Бобур назарида Ҳазрати Хожа нажоткор авлиё, инсоний баркамоллик тимсоли бўлган. Бу икки сиймо бир-бирларини кўрмаган бўлсалар ҳам, Бобурнинг энг кийин, энг таҳликали онларида Хожа Аҳрор Валийнинг нурли киёфаси кўз ўнгида гавдаланган: «... ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузуъ қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: «Фан», 1960. 10-бет.

тилайдур эдимким, кўзум уйқуға
борубтур. Кўрадурменким, Хожа
Яъқуб Хожа Яхёнинг ўғли Ҳаз-
рати Хожа Убайдуллонинг наби-
ралари рўбарўйимга аблақ от ми-
ниб кўп жамоати аблаксувар билан
келдилар. Дедиларким: ғам еман-
гиз. Хожа Аҳрор мени сизга йи-
бордилар. Дедиларким, биз аларға
истионат тегуруб, подшоҳлик
маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда
мушкул иш тушса, бизни назариға
келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир
бўлурбиз. Холо ушбу соат фатх
ва нусрат сизнинг соридур. Бош
кўтаринг, уйғонинг»¹.

Бобур Мирзо 1528 йилда Хожа
Аҳрорнинг «Рисолаи волидия»
номли рисоласини назм билан турк
тилига ўтирган. Бунинг ҳам ўз та-
рихи бор. Асарни таржима қилиш
фикри Бобурга иситмадан беҳаловат

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бо-
бурнома. 107-бет.

бўлиб турган кунларида келади. Бу хайрли ишнинг бошланишидаёқ каромат содир бўлади: «Бу рисола мазмунини яхши ўзлаштириб, уни назмда баён қилишни кўнглумга тугдимки, менинг уйқуга кетган кўнглумни уйқотиб хушёр қилса ва уни ўқиган ҳар бир ўқувчи кўнглида рағбат ҳосил бўлса. Бу рағбат уларга файз ато қилиб, кўнгилларидаги қоронғуликни йўқотиб, зиё нурларини таратса. Бу файздан менга ҳам насиб этиб, беҳабар кўнглим ботиний сирлардан хабардор бўлган бўлур эди»¹. Бобур Мирзо асарнинг маъзини баён этиб, инсоннинг руҳан, жисман ва амаллари билан покиза бўлишини назарда тутиб, инсондаги бу сифатлар унинг ботини-

¹ *Хожа Ubайдуллоҳ Aҳрор. Рисолаи волидия. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. 5-бет.*

да, бутун вужудига сингиб кетган бўлиши лозимлигини уқтирган:

Ғийбату ёлғону музий сўздин,
Эхтироз эт, йироқ этгил ўздин.
Хар ямон қавлни ўздин дур эт,
Тилингга бир нимани мазкур эт.
Бўлғай ахволу каломинг бу сифат,
Кўнглунгга боис нури оният.
Зохиру ботин адаб маръи тут,
Беадаблик равишу рохин унут¹.

Шуни алохида таъкидлаш ўринлики, Бобур Мирзо Хожа Ахрор Валий қўллаган усуллардан фойдаланиб, пири-муршидига бўлган эътиқодини тасдиқлаш мақсадида тасарруфидаги мамлакат фукароларидан тамға солиғи олишни бекор қилган.

¹ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Рисолан волидия. 17-бет.

Рисолаи ҳавроийя

Халқ номини ишқ дер, мен дерман
 Баюю меҳнат булар ширин, унингсиз
 баююи жон,
 бўлмас осон!

Тасаввуф оламида «султони вақт» ва тариқат аҳлининг жамоли бўлган Шайх Абу Саъид Абул Хайр (ваф. 1048 й.)нинг қаламига мансуб жон ҳақидаги «Ҳавронийя» рубойиси ирфон аҳли орасида машҳур бўлган:

Хавро банозараи нигорам сиф зад,
Ризвон з-таажжуб кафи худ бор каф зад.
Он холи сийаҳ бар он руҳон мутраф зад,
Абдол з-бийм чанг дар Мусхаф зад.

Рубонийнинг тасаввуфий-ирфоний маъноси куйидагичадир: Хак таолога ошиқу шайдо бўлмиш

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. Рисолаи хаврония. 23-бет.

² Ўша манба, 21-бет.

камина (Шайх Абу Саъид Абул Хайр – З.И.)нинг хузурига жон олғувчи фаришта таширф буюради. Жон фидо қилмай туриб махбубга етишмоқлик амри махол эканини идрок этувчи ақл шодликдан қарсақ чалиб юборади¹. Жон таслим қилиш асносида, одатда, инсон юзида ночорлик ва хомушлик аломатлари пайдо бўлади. На-тижада нафсоний қувватлар инсоний ҳақиқат билан тўқнашади ва мағлубиятга учрайди, яъни Аллоҳга етишган ошиқнинг инсоний ҳақиқати ғалаба қилади.

¹ Бу ерда ақлий билим илоҳий ҳақиқатлар кашфи олдиди муқаммал эмаслигига ишора қилинган, яъни ақлнинг оёғи қабаргану, йўл қоронғу, гўё қилдек ишчиқа. Агар тавфиқинг раҳнамо бўлмаса, бу тугун ақл билан ечилмайди. Ақл сенинг эшигингиди нурга тўлади, агар ичкарига оёқ қўйса, қуяди. Бу ҳақда яна қаранг: *Алишер Навоий*. Насойиш ул-муҳаббат. 470-бет.

Рубойига кўнлаб шархлар ёзилган. Муҳаққиқлар томонидан ёзилган шархлар рубойининг ҳақиқий маъноларини тўла очиб бера олмагани учун Хожа Аҳрорни кониктирмаган. Шунинг учун Хожа Аҳрор бор истеъдоди ва қобилиятини ишга солиб, рубойига тасаввуф тили билан шарх¹ ёзиб, тушунмовчиликларга барҳам берган. «Ким эшикни тақиллатаверса, шаксиз, эшик очилади» сўзининг тақозосига кўра, Ҳазрати Файёз (яъни Аллохнинг Хожа Аҳрор дилига солишига кўра – З.И.) бу фақир кўнглига маъноларни илҳом қилдики, дарров ундан таскинлик ҳосил бўлди»².

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи хавроийя ёки Шарҳи рубойи Шайх Абу Санд Абу-л Ҳайр / ЎзРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 507/I, 514/II, 890/V, 516/II, 1883/II сонли қўлёзмалар.

² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар / Рисолаи хавроийя. 22-бет.



Рубоийнинг биринчи каторидаги «*Хавро банозараи нигорам саф зад*» (Хурлар нигоримга қараб саф тортдилар) мисрасидаги «хавро»дан мурод инсоннинг беморлик, жони чиқаётган пайтда унинг теъасидаги турадиган хур ва бошқа жинс фаришталардир. «Нигор»дан мурод инсон рухидирки, у махбублик мақомидадир. Бу ҳақда Аллоҳ таолонинг «У уларни яхши кўради, улар ҳам Уни яхши кўрадилар»¹ сўзи гувоҳдир.

Рубоийнинг иккинчи каторидаги *Ризвон 3-таажжуб кафи худ бор каф зад* (Ақл таажжубдан кафтини кафтига қўйди) мисрасидаги «Ризвон»дан мурод эса дил боғи (жаннат)ни кўриқловчи ақлдир. Дилга жаннат номи берилган хабарлар бунга далилдир. Аммо дил беҳиштига табиат дўзахидан

¹ Қуръони карим. Моида сураси, 54-оят. 78-бет.

ўтмагунча етмайсан. Рубоийда-
ги «таажжуб» эса рух чиқаётган
вакtda дилнинг ўзидан узок нарсаларни билиб қолишидир.

Рубоийнинг учинчи каторидаги
*Он холи сийаҳ бар он руҳон
мутраф зад* (Ўшал каро хол
рухларга хурсанд бўлди) мисраси-
даги «Холи сиёҳ»дан мурод ўлим
вактида зухурга келадиган хорлик,
мазаллат ва камтарликдир.

Рубоийнинг тўртинчи катори-
даги *Абдол з-бийм чанг дар
Мусхаф зад* (Абдол, яъни бадал
килинган, ўринбосар, етти иклимга
маънавий посбонлик қилувчи ва-
лийлар кўркинчдан Мусхаф
(яъни Қуръони каримга – З.И.)
га чанг солдилар) мисрасида-
ги «Абдол»дан мақсад нафсоний
қувватдирки, у инсон моҳиятида
турли ўзгаришлар ясайдиган нарс-
адир. «Мусхаф»дан мурод эса
«кулл мазҳари» жамлик нусхаси

бўлган инсон ҳақиқатидир. Худойи таоло айтади: «Яқинда (келгусида) уларга ўз мўъжизаларимизни ҳам уфқларда (ташқи дунёларида) ва ҳам нафсларида (ичқи дунёларида) кўрсатамиз»¹. «Чанг солиш» эса ўзларининг рутбаси пасайиб, рух мартабаси олий бўлганлигидан рухга ёпишишдир. Мана шу бу фақир (Хожа Аҳрор Валий – З.И.) нинг хотирига келган рубоий маъноларидир.

Рубоийни калбида Ҳақнинг муҳаббати бор бемор бошида ўқилса, бемор ҳам бу рубоий маъноларини фахмласа, у кетаётган вақтида, албатта, шод бўлади. Зеро, муҳаббат шартлариданки, ҳеч бир лаззат муҳиб (ошиқ)нинг махбуб билан учрашишидан оладиган лаззат янглиғ бўлмайди, бўла олмайди².

¹ Қуръони карим. Фуссилат сураси, 53-оят. 356-бет.

² *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор*. Рисолаи хавронийя / Табаррук рисолалар. 24–25-бетлар.

Алишер Навоий рубойнинг шифобахшлик хусусиятига таъриф бериб, «Хамул дастур била бу рубойни сойир маразига ўқурлар ва нафъ еткурурлар»¹ дейди. Аслида қазони бергувчи ҳам, қайтаргувчи ҳам Аллоҳнинг ўзи, бироқ орифларнинг дуоси Ҳақ ҳузурида мустажоб бўлади. Бу албатта, Аллоҳнинг ўз муҳибларига инъом этган маърифати меvasидир.

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. 125-бет.

Рисолаи волидия

*Отаси қилган учун таклифе,
Қилди онинг отига таълифе.
Толиб эл тилига мазкурдурур,
«Волидийя» била машҳурдурур¹.*

Хожа Аҳрор Валий отаси Хожа Маҳмуднинг илтимосига кўра ёзган, халкка машҳур ва манзур бўлган «Рисолаи волидийя»² («Отага аталган рисола») Ҳазрати Хожанинг «тириклик ҳикмати» эди: Аҳлуллоҳ (тариқат машоӣхлари) сўзларидан бизга андан ёзиб бергинки, токи биз ҳам олий мақомларга етишимиз ва ҳақиқий илмлар ҳосил қилиш шарафига муяссар бўлайлик, чунончи, Расу-

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. 9-бет.

² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия / ЎЗРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 507/III, 8237/III, 514/II, 890/IV, 516/I сонли қўлёзмалар.



дуллоҳ алайҳиссалом ҳадисларида дейилмишки: ҳар ким билган илмига амал қилиб борса, Аллоҳ таоло унга бошқа билмаган илмларни ҳам билдириб боради¹.

Хожа Аҳрор Валий отасининг амрига бўйсунганини ўзига вожиб деб билиб, шундай изохлайди: «Ҳақ таолонинг бу фақирга илтифоти, аввало, уларнинг, яъни отанинг воситаси туфайлидир. Кимки Парвардигорнинг кўмагини қабул қилган бўлса, бу кўмак таъсири туфайли у (отанинг) таъзимини вожиб деб билади. Чунки бу таъзим ҳам «ва илайҳи туржаъ ул-умур» («Ва барча ишлар Унга қайтарилур») ҳукми бўйича ул Ҳазрат (ота)га тегишлидир².

Маърифат (Аллоҳни таниш) ботинининг, инсон руҳий оламининг

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. 10-бет.

² Ўша манба. 26-бет.

амаллари деб эътироф этилади: «Маърифат ботиннинг аъмолдур¹». Маърифат Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га эргашишсиз, унга тобеъ бўлишсиз ҳосил бўлмайди. Шунга кўра, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзи, феъли, иш-амаллари ва ҳолига эргашилади. У зотнинг сўзи тилга тегишли, сўзидаги мутобаат тилга боғлиқ. Феъли эса зохирга, ташқи иш-амалларга оид, яъни сўзда ҳам, амалда ҳам Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг гўзал хулқлари билан хулқланиш, у зотнинг айтганларига, буюрганларига амал қилиш лозим. Тасаввуфнинг моҳияти, мақсади бўлмиш маърифатуллоҳ – Аллоҳнинг илоҳий қудрати ва зотини англаш, Унга етишиш муҳаббат билан бўлади. Шунга кўра тасаввуф муҳаббат

¹ *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. 5-бет.*

асосига курилган, деб айтиш мумкин. Аллоҳ таоло марҳамат этади: «Айтинг (эй Мухаммад): «Агар Аллоҳни севсангизлар, менга (яъни, Расулуллоҳга) эргашинглар, шунда Аллоҳ ҳам сизларни севгайдир»¹.

*«Йуҳиббуҳум ва йуҳиббунаҳу» чи иқрор аст!
Ба зери парда магар ҳеширо харидор аст!»²*

Маърифат орқали нарсаларнинг яширин (сирли) моҳияти, илоҳийлиги англашилади. Илм ўқиш, ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг хос кишиларига марҳамати, инъоми ҳисоб-

¹ Куръони карим. Оли-Имрон сураси, 31-оят. 39-бет.

² *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия / Табаррук рисоалар. 30-бет. Мазмуни: «Йуҳиббуҳум ва йуҳиббунаҳу», «Аллоҳни севсалар, Аллоҳ ҳам уларни севди» сўзи қандай иқрордир! Магар парда остида Аллоҳ Ўзига Ўзи харидордир, яъни, аслида фақат Ўзини Ўзи севгандир!».*

ланади. Хадисда «Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта танийди»¹ дейилганки, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва рухоний вужудини ўрганса, Аллоҳ хикмати ва беқиёс қудратининг буюклигини англайди, шу билан бирга ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча сезиб идрок этса, Аллоҳнинг бенуксон комил зот эканига ишонч ҳосил қилади. Зеро, «Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида беҳисоб хикматлар ва сир-асрорлар бордир»².

Тасаввуф илмида ишқ марказий тушунчалардан бири бўлиб, унинг икки тури мавжуд. Биринчиси, мажозий ишқ – Аллоҳ томо-

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 1-жилд. 156-бет.

² Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби / Таржимон Ғ.Жалол. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2005. 148-бет.

нидан яратилган барча махлуқот ва мавжудотларга – инсонга ва бутун борликка нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусидир. Ҳақиқий ишк – бутун оламлар яратувчиси бўлган, пок ва қудратли Аллоҳни таниш, би-лиш, англаш ва У билан бирлик туйғусидир. Ҳақиқий ишк тимсоли Аллоҳдир.

Хожа Аҳрор Валий Аллоҳ лафзини қалбда қўп-қўп зикр қилиш орқали муҳаббат салтанати-га йўл олиш мумкинлигини, зикр-ни тарк этмаслик натижаси майл ортиши ва бу майлдан лаззатлар пайдо бўлиши, қанча лаззат то-пилса, ўшанча майл ортиши, ва ниҳоят ихтиёр қолмаслиги, бутун вужуд Аллоҳни дўст тутуши, бу дамда Аллоҳдан бошқасининг фик-ри қолмаслиги, хаттоки севимли бўлган нарсалар ҳам унутилиши, ва ниҳоят, муҳаббат салтанатининг меҳмони бўлиш насиб этишини зикр

этган¹. Зеро, ошиқлик сифатларига эга бўлган киши ошиқдир. Ишк туйғули ошиқ юксак манзилгача тараққий этадики, ақл у манзилга ета олмайди. Ҳақ ва халқ одобини сақламаган инсон қамолотга эри-ша олмайди. Адаб шуур ва ҳузур сабабидир. Зохиру ботинда, ичу ташда ҳамиша адабга риоя қилиш, адабни эътиборда тутуш лозим-ки, киши битта адабни тарк этса, файзи илоҳийдан бенасиб қолади². Хожа Аҳрор Валий дейдики, ... Ҳазрати Рисолат (с.а.в.)га тобе бўлмай туриб, улуғ мартабалардан бирорта мартабага, етиб бўлмайди. Бас, билмок керакки, унга мукам-мал тобе бўлиш дилни Ҳақдин ўзигага боғлиқ бўлмаслигидадир³.

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолати во-лидия / Табаррук рисолалар 33–34-бетлар.

² Ўша маъна. 36-бет.

³ Ўша маъна. 31-бет.

«Рисолаи волидийя» киши-
ларни зохиран ва ботинан покиза
киладиган маърифат денгизининг
дурдонасидирки, унда тариқат
йўлига кирган кишининг одоб-
ахлоки, факру фано, дарвишнинг
вазифалари баён килинган. «Бу
китобни ўқиб туриб, ўртада мени
кўрмасинлар, фақат сўзга диққат
қилсинлар, чунки бу сўз Ҳакдан
етган илоҳий ҳикматдир»¹. Бун
Хожа Аҳрор Валийнинг «Биз
илмларимизни мангу ўлмайдиган
абადий тирик Зотдан олдик, ориф
инсон сўзловчининг ўзига эмас,
балки унинг сўзига қарайди»
деган пурмаъно сўзлари ҳам
тасдиқлайди.

Рисоладан кўзланган мақсад
беҳабарларни хабардор қилиш,
тариқат йўлида юрувчиларни
собитқадам ва барқарор этишдир-

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи
волидия. 6-бет.

ки, асардан маънавий рухланган
Захириддин Мухаммад Бобур уни
245 байтлик назмий рисолага ай-
лантирган.

Рисолайи анфоси нафийса

*Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.
Йўқки мамоликка ниғаҳбон ўлуб,
Борча салотин уза султон ўлуб,
Хақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб олдида шоҳу гадо.
Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми асҳоб анга¹.*

Тарикат йўлидаги соликнинг амал қилиши зарур бўлган масалаларнинг баёнига бағишланган «Анфоси нафийса» («Дурдона сўзлар»)² нозик фикрлар жамланмаси бўлиб, унда тарикат ва маърифат йўли, муриднинг покланиши, нафл ибодатларини адо этиш

¹ Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр. 49-бет.

² Рисолаи анфоси нафийса / ЎЗРФА Шарқишунослик институти қўлёзмалар фонди. 5414-сонли қўлёзма.

тартиблари, ўқиладиган зарурий дуолар¹ батафсил баён қилинган.

¹ Хожа Ахрор Валий тасниф этган беш вақт фарз қилинган намоздан ташқари ўқиладиган кундалик зарурий дуолар: «Хуфтон» намозидан сўнг уч марта калимаи шаҳодат, уч марта «Ихлос» сураси, уч марта «Фалак» сураси, уч марта «Нос» сурасини ўқиб, савобини қабр аҳлига бақишланади. Тунда 12 ракаат таҳажжуд намози ўқилади. «Фотиҳа», «Нос», «Фалак», «Ёсин», «Оятал курсий», «Оманар расули», сўнг уч мартадан «Ихлос» сураси ўқилади. Қуёш бир найза кўтарилганида икки ракаат намоз ўқилади. Унда «Фотиҳа» сурасидан сўнг беш мартадан «Ихлос» сураси ўқилади. Сўнг икки ракаат «Истихора» намози ўқилади. Бунда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «Кофирун» сураси, иккинчи ракаатда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «Ихлос» сураси ўқилади. Кейин тўрт ракаат «Чоштгоҳ» (қуёш бир найзадан оғиб кетгандан сўнг ўқиладиган намоз) намози ўқилади. Бунда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «Шамс» ва «Зухо» суралари, иккинчи ракаатда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «Вал Лайл» ва «Зухо» сураси ўқилади, учинчи ракаатда «Фотиҳа» сурасидан сўнг «Зухо»

Маълумки, тариқат манзиллари нафснинг «нафси аммора» (ёмонликка буюрувчи нафс, ширк, куфр, жаҳл, ғафлат, гуноҳи кабира, кибр, хирс, бахиллик, шахват, ғазаб, ҳасад, кин-адоват), «нафси лаввома» (маломат, пушаймонлик, қилган гуноҳ учун ўзни қойиш), «нафси мулҳима» (кўнгилни эзгулик, гўзаллик, яхшилик билан тўлдириш), «нафси мутмаъинна» (сабр, ризо, каноат, ишонч, хотиржамлик, таваккул) ҳолатлари билан ўзаро боғлиқдир.

Хожа Аҳрор Валий кундалик зарурий ўқиладиган дуоларни ўқиш жараёнида солиқнинг руҳиятида бўладиган ўзгаришларни таҳлил этган: толибнинг бу ишлари гўё беморнинг пархезига ўхшаган бўлиб,

сураси, тўртинчи ракаатда «Фотиха» сура-
сидан сўнг «Шарҳ» сураси ўқилади. На-
мозни тугатгандан сўнг бошини саждага
қўйиб беш марта «Ал Ваххоб» дейди.

бемор иллатга сабабчи бўлган моддани суриб чиқаришга тайёргарлик кўради, сўнг сурги дорини қабул қилади ва сурги дори жон ва табиатга ўрнашиб олган бузук моддаларни хайдаб чиқаради ва уни (беморликдан — З.И.) халос этади¹.

Хожа Аҳрор Валий тариқат йўлида юрган кишининг ножинс (тариқат йўлида бўлмаган, дунё ишлари билан овора, нодон, жоҳил кишилар — З.И.) билан суҳбат куришдан қайтариб, муридларига бундай кишилардан қочиш лозимлигини тайинлаган². Хожа Аҳрор Валий соликларнинг пири муршидининг измидан чиқмаслиги, қундалик вирд ва ибодатларни оғишмай бажариши, доимо таҳоратда юри-

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолайи анфоси нафийса / Табаррук рисоалар. 47-бет.

² Ўша манба. 38-бет.

ши, ёмон улфат суҳбатидан юз
ўғиришни талаб этадики, бундан
кўзланган мақсад илоҳий маърифат
сарчашмаларидан баҳрамандлик ва
ҳақиқат сирларидан огоҳликдир.
Бу мақомда Ҳақ йўлчиларининг
Аллоҳни мушоҳада қиладиган ғайб
пардалари очилиб, илоҳий сирлар
кашф этилади ва улар барча илм-
ларни ҳеч ўлмайдиган, доимо ти-
рик зот, яъни Аллоҳдан олишади.
Зеро, «Аллоҳ таолонинг ҳар бир
ишида беҳисоб ҳикматлар ва сир-
асрорлар бордир»¹.

Аллоҳ сирларининг кўрикчиси
бўлган ҳақиқий ориф ўзини
Аллоҳдан ўзгага муҳтож деб бил-
майди, фуқародан бирор нарса тама
қилмайди ва сирларини Аллоҳдан
бошқага ошкор этмайди, бутун
борлиғи ва меҳру муҳаббатини

¹ *Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий.*
Ихёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавқ, унс ва
ризо китоби. 148-бет.

Аллоҳга бахш этади. Зеро, Аллоҳ «Ўз илми билан барча нарсани камраб олгандир»¹. Демак, ориф зотлар ҳаминша Ҳақ ёдида бўлиб, каттаю кичикдан ўзларини настутиб, халқ хизматига камарбаста бўлишган. Ўзгалар хатти-харакатларида нуксон кўрсалар юмшоқлик ва мулојимлик билан айбларини айтишган², аксинча, уларнинг кайғу ва хурсандчиликларига шерик бўлишган. Ҳар қандай баланд мартаба ва мавкега кўтарилганда ҳам камтарлик ва хокисорликка содиқ қолишган. Инсофни – куч, кучни – инсоф деб билишган³.

¹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Тоҳа сураси, 98-оят. 318-бет.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 18-бет.

³ Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. – Т.: «Маънавият», 1998. 14-бет.

Фикроти Аҳрорийя

Токи жаҳон қасрининг ичкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.
Қўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабаи кўси Убайдуллоҳи.
Ҳимматидин бизни ҳам этсун Худой,
Фақр йўлида ганий, иймонга бой¹.

Хожа Аҳрор Валийнинг «Фақарот ул-ориғийн»² асари нақшбандлик тариқатининг руқнлари, тил ва дил билан бирга зикр қилиш, зикр пайтида хотирани паришон қилмаслик, зикр пайтида Аллоҳдан бошқани ёдга келтирмаслик, бир нафасда калимайи тоййибани («Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур расулуллоҳ» – З.И.)

¹ Алишер Навоий. Хайрат ул-аброр / Хамса. – Т.: «Фан», 1960. 50-бет.

² Фақарот ул-ориғийн / ЎзРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 507/II, 507/XIII, 2967/II, 84/V, 2480/I, 516/III сонли қўлёзмалар.

бир неча бор айтиш, дилни рафлатдан сақлаш ҳар бир нафасни ҳушёрлик билан олиш, ҳар бир қадамни эҳтиёткорлик билан босиш, ўз ватанида, уйида ўтирса ҳам, фикран бутун коинот ва мавжудот ҳақида фикр юритиш, ўзи халқ ичида, анжуманда бўлса ҳам, хилватда ўтиргандек фикру зикрини Аллоҳга қаратиш каби усулларида намуналар ҳамда тариқат аҳли ҳақида бўлиб, «Фикроти Аҳрорийя» номи билан машҳур бўлган.

«Бул фақир бир пайтлар Бухорога боргандим. Мавлоно Ҳисомуддин ва Мавлоно Ҳамидуддин Шоший хизматлари шарафига эришдим. Бу фақирда изтироб ва изтирор бор эди. Улар айтдилар: «Муроқаба ҳақиқатдан ҳам интизорликдир. Сайрнинг ниҳояси ушбу интизорликни ҳосил қилишдан иборат». Мана шундай таҳқиқ

килганда кейин унинг зухури мухаббат ғалабасидан бўлганини билдик. Бунга ушбу интизорсиз (бошқа) рахбар йўқ. Бизга ўхшаган бебахра факирларга завқ йўлида бунингдек саодатни топиш муяссар бўлмаса керак.

*Гар надорам аз шукр жуз номи баҳр,
Ин бисе беҳтарки андар коми захр.
Осмон нисбат барш омад фуруд,
Вар на бас олийст неши хоки туд¹.*

Хожа Ахрор Валий таълимотидаги энг улуғ сифатлардан бири инсонийликдир. Унинг назарида туғилишдан мақсад – халқ учун, инсон учун хизмат қилишдир.

¹ *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя / Табаррук рисолалар. 136-бет. Таржимаси: Агар Унинг номи учун шукр айтмайдиган бўлсам, захр (аждархо) коми буңдан яхшироқдир. Осмон Аршга нисбатан настга тушди, настда яратилди. Арш бўлмаганда бир тўда тунроқ олдида осмон олий кўринган.*

«Инсонийлик ҳақиқатида яширинган зотий муҳаббатнинг зухур қилишига энг кучли сабаб суҳбатдир» деб ёзади Хожа Ахрор.

Инсонийликни одоб сақлаш ва имондан кейинги шарт деб билган Хожа Ахрор Валий бу ҳодисани ҳимматсиз содир бўлмайди, деб таъкидлайди. Ҳиммат унинг назарида бутун борлиғи билан мақсадга етишга интилиш, уни топиш ва халқ хизматига бўйсундиришдир. Дарҳақиқат, Хожа Ахрор «ўз манфаатларидан воз кечиб, ўзгалар манфаати учун яшаш улуғ ишдир» деганида ана шуларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Нақл қилинишича, Хожа Ахрор Валий Мирзо Шохрух замонида Хиротда юрган даврларида бир эски дастордан бўлак бойликлари бўлмаган экан. Бир кун Бозори Маликдан ўтиб кетаётганларида бир гадоёй учрабди. Унга берадиган

наrsa йўқ. Шунда дасторни бошдан олиб, ошпазнинг олдига ташлаб деган эканлар: «Бу дастор покиза турур, қазон ювфондин сўнг дастмол бўлур. Сағлағил, бу гадойға бир нимарса бергил». Шундан кейин ошпаз гадойға таом беради. Аммо дасторни қайтармокчи бўлганда, Хожа Ахрор уни олмайди.

Тасаввуфнинг мавзуси бўлган эҳсон ҳақида шундай дейилган: «Имоннинг ҳақиқати эҳсондур, яъни, инсон ишониб эътиқод қилган наrsa унинг учун зохирий хавас билан (яъни, сезги аъзолари орқали) сезиладиган нарсалардек ишонарли бўлсин, яъни, ибодат қилишда Худо кўрадигандек бўлиб унга сифиниш эҳсон демақдир. Бутунлай ушбу мақомга эришгандан сўнг, Худодан бошқа нарсалар мухаббат пардаси, ҳақиқат нури орқали ўртадан кўтарилиб, инсон (солик) ҳақиқий яратувчи-

дан бошқа нарсани унутиш шарафига ноил бўлгандан кейин Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан бошқа ҳеч нарса қолмай, унинг (банданинг) назарида фақат бир зот қолади. Шу орада шохидлик ва машҳудлик (шоҳид – кўрувчи, яъни, банда, машҳуд-кўрунувчи, яъни, Тангри) сифатлари ўртадан кўтарилиб, «Ла яърифуллоҳа иллаллоҳ» (Аллоҳни Аллоҳдан бошқа таний олмайди) маъноси аён бўлади, ...қалам инжо расиду сар бишқаст (Бу ерга келиб қаламнинг учи синди)»¹.

Хожа Аҳрор Валийнинг таъкидлашича, инсоний вужуддан умумий мақсад бандалик вазифаларини адо қилиш бўлиб, зикр ҳақиқатидан иборатдир. Зикрдан мақсад ҳақиқатан ҳам мазкур-

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя / Табаррук рисолалар. 103-бет.

ни (Аллоҳни – З.И.) топишдир¹. Бунинг учун дил, фикр, туйғуни Аллоҳга йўналтириб, Аллоҳ билан илоҳий ришта боғланади ва Унинг исмларини зикр қилиш орқали Аллоҳнинг чексиз қудрат, гўзаллиги идрок этилади.

Зикр камолот мақомларининг ўзаги ва тамали бўлиб, орифларнинг таоми ҳисобланади. Зикрнинг ибтидоси Ҳақдан ўзгасини унутиш, зикрнинг интиҳоси – зокирнинг зикр ичида зикрдан ғойиб бўлишидир. Буни шундай изохлаш мумкинки, зокир Ҳақни давомли зикр этгани ҳолда Унинг зикр этганини мушоҳада этади. Зокирнинг зикри Аллоҳнинг зикрида йўқ бўлиб кетади. Фақат Аллоҳнинг зокирни зикр этгани қолади, орада макон ҳам, замон ҳам бўлмайди. Бу эса ҳақиқий саодатдир.

¹ *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя/Табаррук рисоалар. 96–97-бетлар.*

Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин

*Одамизод уч бўлакдур: кунгил, тил
ва ўзга аъзолар. Кунгил Худони бир
деб билмоқ учундир. Тил Худони бир
демоқ учундир ва ўзга аъзолар бан-
далик қилмоқ учундир¹.*

Самаркандлик Мавлоно Мухам-
мад Қози (ваф. 1515 й.) «Сил-
силат ул-орифин ва тазкирот ус-
содиқин»² («Орифлар силсиласи
(маънавий занжири – З.И.) ва
ҳақгўйлар тазкираси») китобида
«бурхон ул-восилин»³, «саййид

¹ *Фахруддин Али Сафий*. Рашахоту айниил-хаёт. 229-бет.

² *Муҳаммад Қози Шоший*. Силсилат ул-орифин ва тазкирот ус-содиқин. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 11413, 10603, 6314, 4452, 5414-сон-ли қўлёзмалар.

³ «Бурхон ул-восилин» – илохий маърифатга етишганлар дастаги, далили, ҳужжати, восиллар гувоҳи.

ул-мукаррибин»¹ деб улуғланган Хожа Аҳрор Валийнинг ҳолат ва мақомотлари кандай эканини ҳукқадек тасвирлаган². Асар Хожа Аҳрор Валий ҳақида ёзилган маноқиб³лар ичида эътиборлиси, ўқимишлиси ва ишонарли маълумотларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

Мавлоно Муҳаммад Қози Шоший ўн икки йил давомида муршидининг хизматини адо этган ва маърифий суҳбатларидан баҳраманд бўлган. У Хожа Аҳрор Валийнинг энг яқин шогирди ва маслакдошидир. Ирфоний

¹ «Саййид ул-мукаррибин» – яқинлар, дўстларнинг етакчиси, йўлбошчиси, бошлиғи.

² *Шарафуддин Роқимий*. Тарихи томм. 47-бет.

³ Маноқиб – яхши хислатлар, фазилатлар. Тасаввуф оламида юксак мавқега эришган шайх ул-машойихнинг таърифи ва тавсифи келтирилган воқеий ҳикоятлар.

сухбатларнинг илохий хикмати туфайли тасаввуфнинг энг нозик жиҳатларини теран ўзлаштирган Муҳаммад Қози пири муршидининг хаётини китоб қилган. Асар мукаддимасида таъкидланишича, муаллиф Хожа Аҳрор Валийнинг ўзидан ва муршиди билан яқин муносабатда бўлганлардан эшитган воқеа-ходисалар, турли масалалар бўйича билдирган мулоҳазалари ва муаллиф бевосита шохиди бўлган воқеаларни тилга олган.

Хожа Аҳрор Валий маърифий сухбатларнинг бирида Муҳаммад Қозига мурожаат қилиб, «агарда ҳеч нарса ёзмасанг ҳам, биз (Хожа Аҳрор Валий – З.И.) билан Хожа Мавлоно орамизда бўлган воқеани албатта ёзгил» деб айтган экан¹.

¹ Бунинг тарихи қуйидагича: Султон Абу Саъид Мирзонинг вафотидан сўнг (бу 1468 йилга тўғри келади. – З.И.) Самарканд шайх ул-исломи Хожа Мавлоно

Шундан сўнг Муҳаммад Қози китоб ёзишга киришган ва бир неча

ўз атрофига фитначиларни тўплаб, Хожа Аҳрор Валийнинг мавқеини пасайтириш ва обрўсизлантиришга уринишади. Хожа Аҳрорнинг Мотуридадаги ховлисига бостириб кириш ва мол-мулкига ҳеч кимдан сўроксиз эгаллик қилиш учун Хожа Мавлоно бир неча киши билан йўлга тушадилар. Шу вақтда Султон Аҳмад Мирзо Хожа Аҳрорнинг уйига ташриф буюрган. Хожа Мавлоно ховли деворидан ўзларини ташлаб, қочиб кетишган. Бир мажлисда Хожа Мавлоно Хожа Аҳрор Валий шаънига ёмон сўз айтиб, уни «жуъал» — қўнғизга ўхшатган. Бу ҳақда Хожа Аҳрорга хабар беришганида, Ҳазрат бамайлихотир «жуъал маргида ўлсин» деб қўя қолган. Бир ордан сўнг Хожа Мавлононинг иши орқага кетиб, хорзорликда оламдан ўтган ва ўлиmidан олдин Хожа Аҳрордан уни кечиришини илтимос қилиб, одам юборган: «нима қилган бўлсак, иззат-нафс, обрўталашлик учун қилган экаимиз, ҳамма қилмишларимиздан пушаймонмиз, Ҳазрат бизнинг гумроҳлигимизни кечирсинлар». Хожа Аҳрор Валий бу гапларни эшитиб, ғоят таъсирланган ва Хожа Мавлонони кечирган.

йил унинг устида ишлаган. Тазки-
ра Хожа Аҳрор Валийнинг вафо-
тидан ўн тўрт йил ўтгачгина китоб
ҳолига келган.

Асар мукаддима, уч боб ва ху-
лосадан иборат. Асарнинг бирин-
чи бобида Хожа Аҳрор Валийнинг
наслу насаби, келиб чиқиши, ёш-
лиги, фарзандлари ҳамда ирфоний-
фалсафий мушохадалари ҳақида
муфассал маълумотлар жой олган
бўлса, иккинчи бобида Хожа Аҳрор
Валийнинг сўфийлик мақомотидаги
ўрни, ижтимоий-сиёсий соҳадаги
мавқеи, теъмурий шахзодалар билан
муносабати нақллар ва хикоятлар
билан бойитилган. Учинчи бобда
алломанинг ислом дини ривожиди-
даги ўрни ва шарият, сиёсат бо-
расидаги улуғ хизматлари эътиро-
фига бағишлаган. Пир муршиди
Хожа Аҳрор Валий билан боғлиқ
кўплаб воқеаларни тилга олган
Мухаммад Қози тазкиранинг ориф-

лар кўзининг қорачиғи, ошиқлар кўнглининг уфқи, содиқлар кўксининг ўртасидан жой олишига инонган.

Муҳаммад Қозининг эътироф этишича, Хожа Аҳрор Валий ҳаргиз узр сўрайдиган айбли иш содир этмаган. «Футувват бу тоифанинг мақомоти олияларидан бири, ҳурматлик зотлар шундай яшамоқликлари керакки, узрга мухтож бўлмасинлар»¹.

Асарда замонасининг донишмандларидан бўлган Хожа Аҳрор Валийнинг Мавлоно Али Аррон билан бўлган суҳбати ҳам ёзилган бўлиб, Муҳаммад Қози Хожа ҳазратларининг муҳолифлари таъналаридан жуда зийраклик билан ҳимоя қилган: «Мавлоно Али Аррон Хожа ҳазратлари мажлисига

¹ *Муҳаммад Қози*. Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддикин / Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. 151-бет.

кўп келардилар. Бир куни Хожа хазратлари Али Арронга мурожаат қилиб, айтдилар: «Сизнинг ҳузурингизда бизнинг гапиришимиз одобдан бўлмас. Сиз гапиринг, биз эшитайлик». Мавлоно Али Аррон шундай жавоб бердилар: «Файзлар етказувчи олам сирларидан бевосита сўз айтувчи Ҳазрат олдида бизнинг гапиришимиз одобсизлик саналади»¹. Бу каби ҳолатлар Хожа Аҳрор Валийга таъна тошини отувчиларга жўяли жавоб эди.

Тазкиранинг тарихий қиммати шундаки, унда кўплаб тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ҳикоялар бор. Жумладан, Хожа Аҳрор Валийнинг суҳбатида бўлиб, Хожага эллик йил хизмат қилган Мавлоно Қосимнинг ўз жонини Хожа Аҳрор Валийга фидо қилгани ва кўп ўтмай вафот этгани, Хожа Аҳрорнинг унинг

¹ *Валихўжаев Б.* Хожа Аҳрори Вали. 88-бет.

олийжаноб фазилатлари ҳақида; Қосим тенги йўқ маънавий бойлик эди, деб кайғурганлари тилга олинган. Алишер Навоийнинг Мавлоно Қосим ҳақидаги самимиятли сўзлари юқоридаги фикрларни тасдиқлайди: «Анжуманда ҳамдам, хилватда маҳрам. Асли Фаркат навоҳисидиндур. Эллик йилга яқин ул Ҳазрат хизматин андок килдиким, харгиз аларнинг муборак хотирларига андин ғайри муҳаббат ва илтифот воқеъ бўлмади. Ҳазрати Хожанинг азим заъфлари бор эрди ва Мавлоно бу ҳолни кўриб, Хожанинг маризининг юки остига кириб, ул юкни кўтариб, мариз сиххат топар ва Мавлоно ҳам ул сўл ёнига ҳамул санчиқ туриб, бир ҳафта маризга гирифтор бўлуб жонларини Хожаларига фидо килдилар»¹.

¹ *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. 284-бет.


Яна бир хикояда Хожа Аҳрор Валийнинг умрининг сўнгги кунларида туғилиб ўсган юрти Тошкентга сафари таассуротлари қаламга олинган: «Умрим охирида истардимки, ота-боболаримиз мазорида Туркистоннинг оч-яланғочларини овқат билан таъминласам». Бу масъулиятли вазифа Муҳаммад Қозига топширилади. Хар кун иттита қўй сўйилиб, етти юзта нон ёпилиб, қаҳатчилик туфайли Туркистондан келган фуқароларга тарқатиладик, бу каби бағрикенглик ва саховатпешалик Хожа Аҳрор Валий фаолиятининг асосий маъзини ташкил этганидан далолатдир.

рухлантириб, душманларга қарши жангга сафарбар қилади. 1485 йилда эса Шохрухияда ўзаро урушаётган уч подшоҳ – Мирзо Султон Аҳмад, Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхонни яраштириб, уруш оловини ўчиради. Хақиқатан ҳам, Мовароуннаҳрда тинчликни таянчи бўлган Хожа Аҳрор Валий фуқаролар ҳаётидан огоҳ бўлиб турган.

Султон Абу Саъид Мирзо давлат ишларини амалга оширишда Хожа Аҳрор билан маслаҳатлашган. Чунки Абу Саъид назарида халқ учун Хожа Аҳрордан яқин одам йўқ, у деҳқон ва ҳунармандларнинг, тижорат аҳлининг ҳомийси бўлиб майдонга чиққан эди.

Самарканд ҳокими Султон Абу Саъид Хожа Аҳрорнинг илтимоси билан «асосий солиқ турларидан бири бўлган «тамға» солиғини бекор қилган. Бу ҳақда

«Мақомоти Хожа Убайдуллох Ахрор»да: «Нақл килинурки, Ҳазрати Эшон Султон Абу Саъид Мирзони кўргани Марвга борган маҳалида Хожа Яхё жаноблари ҳам ул зотнинг мулозаматларига борган эдилар. Мирзо назру ниёз расмига кўра Ҳазрати Хожани талаби билан Мовароуннахрнинг ҳар йил қанча маблағ бўладиган тамға (солиғи)ни баҳшида қилган эдилар. Самарқанд вилоятининг хокими Амин Жоний бул қиссани эшитиб, ниҳоятда ўзгариб, Ҳазрати Эшонга нисбатан баъзи номуносиб сўзлар ундан содир бўлган. Баъзи гап-сўзлар Ҳазратнинг кулоқларига етиб келади. Неча кун ўтар-ўтмас Амир Жоний асаб касалига мубтало бўлади. Мирзо Мавлоно Хожа Муншийни Хиротдан Ҳазрати Эшоннинг олдига юборади. Икки-уч кун уни муолажа учун (олдиларига) олиб келадилар.



Хар келганида Онхазрат «Мир, тамғачи кандай?» деб сўрадилар. Ўғилларини канчалик истиффор айтиш учун юборсалар ҳам фойда бермайди. Бир неча кундан сўнг тамғачи мана шу касали билан ўлиб кетди»¹ деб хикоя қилинган.

«Макомот»да мурид ва муршид одобига жуда кўп эътибор берилганки, ким бўлишидан қатъи назар Хожа Убайдуллох Валийнинг сўзини икки қилган, уни тингламаган, Хожага беписандлик билан қараган, ўз билганидан қолмаган бўлса, охир-окибат дарду балога йўлиққани ёки хор бўлиб вафот этгани хикоя қилинади. Бу каби воқеа-ходисаларнинг такрор-такрор келтирилишининг сабаби шундаки, улар оддий халқнинг кўз ўнгида, бевосита иштироки ва гувоҳлигида

¹ Хожа Убайдуллох Аҳрор. Макомоти Хожа Убайдуллох Аҳрор / Табаррук рисо-лалар. 168–169-бетлар.

содир бўлган. Бундан кўзланган мақсад Хожа Аҳрор Валийга бўлган ишонч-ихлоснинг янада зиёда бўлиши эди. Мухлислардан бирининг хикоя қилишича, Сайрамда бир фақир, мажзуб киши бор эди. У ҳузурига келган кишиларнинг олдига иссиқ нон қўяр, сўнг бир қисм хас-хашак ташлар эди. Бунинг сабабини англамаган кишилар мажзубдан шубҳа қилишар эди. Бир куни мажзуб Хожа Аҳрор Валийнинг зиёратига келганида, қуйидаги байтларни ўқиганки, ўша шубҳа барчанинг хотиридан чиқиб кетган:


*Чист дунёи дунӣ? Мушт аз ин
хосоку хас,
Мавжӣ дарёи атояш бар гарон андохта¹.*

¹ Таржимаси: Бу паст дунё нима ўзи? Ушбу хас-хашакдан бир мушт, панжа, холос. Унинг ато дарёсининг мавжи қучли ва баланд мавж ургай шунда.

Яна бир нақлга кўра, Мухаммад Гов Кодномий энг катта дехкон эди. Бир куни шериклари билан Хожа Аҳрор Валийга иш бошқарувчи устидан тухмат қилади. Ҳақиқат қарор топгач, Мухаммад Гов ёлғон сўзлаганига иқрор бўлиб, Хожадан узр сўрайди. Шунда Хожа Аҳрор Валий «ўлаётган вақтда кафан топмагайсан» дейди. Вақти келиб, Мухаммад Гов гадолар кафани билан дафн қилинди¹.

Тазкира билан танишини жараёнида Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб тушунмовчиликлар бартараф этилади. Негаки, Хожанинг ҳаётлигида унга душманлик кўзи билан қараган, у зот ҳақида уйдирма ва тухмат тўкиб, султонун раият олдида обрўсизлантиришга интил-

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор / Табаррук рисолалар. 185-бет.



ган ва фитна уюштирган шайх ул-ислом Хожа Мавлоно ва унинг гу-машталарининг Хожа Ахрор Валий билан муносабатлари ойдинлашади. Аммо бу тухмату фитна ва уйдир-малар амалга ошмай, фитначилар-нинг ўзлари азият чекишади.

Мақомотлар қалбни гуноҳ зангларидан поклайди, манманлик (аноният) ғафлатидан уйғотади, ношоиста ишлардан қайтаради. Нажот фақат Аллоҳдан экани-ни англаган инсон бутун фаолия-ти, ахлоқини шунга мослайди. Бу эса қалбнинг уйғониши, огохлик, ғафлатни тарк этиш ва эзгулик-ка юзланиш, хуллас, инсоннинг ёмон ишлар, сифатлардан воз ке-чиб, яхши ишлар ва феъл-атворга қайтиши ҳодисаси юз беради. Шу жиҳатдан мақомотларнинг шахс маънавий камолотида тарбиявий аҳамияти каттадир.

Масмуёт

*Жавонманд улдирки, озорларга
мустаҳиҳ бўлган кишига озор
бермаса, ва озода улдирки, би-
ров озор берганидан оғринмаса¹.*

Тасаввуфий тафаккур равнакида манокимларнинг алоҳида ўрни борки, манокимларни халқ оммаси тўғридан-тўғри қабул қилсалар, илм аҳли мажозий маънода қабул қилганлар. Зеро, ҳадисда ҳам Аллоҳнинг «барчанинг ақлига яраша муомала қилинлар» деб буюргани қайд этилган. Хожа Ахрор Валийнинг файзосор суҳбатларида иштирок этиб, унинг илму маърифатидан баҳраманд бўлиб, кўплаб хикоя, панд-насихат ва ўғитларни муршидининг ўз оғзидан эшитган, одоб-ахлоки билан алоҳида илти-

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-хаёт. 239-бет.

фотга сазовор бўлган садокатли мурид ва Ҳазратнинг куёви бўлишга мушарраф бўлган Мир Абдулаввал Нишопурий (ваф. 1499 й.)дир. Унинг «Масмуёт» («Эшитилганлар») манокими Хожа Ахрор Валий ҳаётига оид кизикарли ва ибратли воқеаларга бағишланган¹. «Масмуёт»да, шунингдек, тасаввуф назарияси ва амалиётига тегишли кўплаб масалалар муфассал ёритилган.

Тасаввуф таълимотининг асосий масалаларидан бири инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини юксалтириш бўлиб, ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. Ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яша-

¹ Масмуёт / ЎзРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 3735/II сонли қўлёзма.

гани бугун ҳам ибрат манбаи бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда¹. Зеро, иктисодий кийинчилик ва сиёсий низолар халқнинг маънавий бузилишига, жамиятда ахлоқий нуқсонларнинг кўпайишига замин яратади. Агар инсон ўз замони ҳақида жон куйдирмаса, уни инсон деб ҳисоблаб бўлмайди².

Хожа Ахрор Валий дейдики, «... қайси юракда ғам (эл-юрт ғами – З.И.) бўлмаса, уни кесиб олиб ит олдига ташлаш лозим. Чунки бундай қалб (юрак) бир гўшт парчасидек ҳайвон юрагига ўхшайди». Бундан англашиладики, ўз ахлоқида саҳийлик, меҳроқибат, футувват, ҳурмат, инсонийлик каби фазилатларни му-

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 7-бет.

² Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. 122-бет.

жассамлаштирмаган, Ҳақ ва халқ одобини сақламаган инсон камолотга эриша олмаган. Демак, халққа холис, юксак маърифат ва диёнат мақомида хизмат кўрсатиш, ҳар бир Аллоҳ дўстларининг энг олий мақсади бўлиши, ҳар бир инсоннинг қиймати унинг ҳимматига қараб ўлчанар экан, ҳиммат Аллоҳ розилигига қаратилиши лозимдир. «Ҳар кимнинг кўнглида бизга мойиллик бўлса, у хоҳ узоқда бўлсин, хоҳ яқинда бўлсин, ҳар кеча-кундузда у кишига нисбати орқали назар сола-миз, бизнинг шафқат ва тарбиятимиз сарчашмасидан унга файз етади. Агар у ўз ҳолидан воқиф киши бўлса, файз йўлини тўсувчи нарсалардан соф тутади»¹.

¹ *Муҳаммад Боқир*. Баҳоуддин Балогардон / Форснїдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Махмудхон Махдум Хасанхон Махдум ўғли. – Т.: «Ўзувчи», 1993. 79-бет.

Хар кишиниким, машойих ва авлиё суҳбати покиза килмағай, ҳеч панд ила покиза бўлмағай¹. Хожа Аҳрор Валий халқ билан суҳбатда бўлиш, уларнинг дардларига шерик бўлиш, Аллоҳ розилиги йўлида халққа хизмат килиш, қалбни бир лаҳза бўлса ҳам Аллоҳ зикридан ғафлатда қолдирмай, ҳамиша огоҳ бўлишга қорлаган ва Баҳоуддин Накшбанднинг ушбу сўзларини кўп такрорлаган. «Бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат. Хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатда, бу шарт биланки, бир-бирига нафъ бўлулғай»².

«Масмуъот» Марказий Осиё халқлари маданияти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб, унда мамлакатнинг сиёсий, ижтмоий ва

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 105-бет.

² Ўша манба. 263-бет.

маданий ҳаётига доир маълумотлар
акс этган¹. «Масмуъот»нинг ягона
нусхаси Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Шарқшунослик
институтининг фондида 3735/II
раками билан сақланмоқда.

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук
рисолалар. 14-бет.

Рашахоту айнил хаёт

Хожа Ахрор Валийнинг хаёти ва фаолияти хақида замондошлари томонидан ёзилган тазкира ва манокиблардан энг эътиборлиси Фахруддин Али Сафий (ваф. 1532 й.)нинг «Рашахоту айнил хаёт» асаридир. Унда XIV–XV асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий хаётида чуқур из қолдирган тариқат пешвоси Хожа Ахрор Валий хақидаги батафсил маълумотлар билан бирга, ўша даврда фаолият кўрсатган 120 дан ортиқ шайх ул-машойих, давлат арбобларининг хаётидан олинган нақллар жамланган.

Ўз даврининг машхур воизи Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али Сафий Абдурахмон Жомийнинг йўлланма хати билан Хиротдан Самарқандга Хожа

Ахрор Валийнинг хузурига келган. Илк дафъа учрашув натижа бермаган. Иккинчи марта Самаркандга келган Али Сафий Хожа Ахрор билан учрашиб, суҳбатида бўлган ва тазкира ёзишга рухсат олган. Бу асарни ёзиш жараёнида Али Сафий Хожа Ахрор Валий билан боғлиқ жуда кўп манбаларни синчиклаб ўрганади ва керакли ўринларда фойдаланади. «Ул кашфлар ва кароматлар маъдани, фавқулодда одатлар соҳиби Хожа Ахрор Валий мақомотларидан томчилар»¹ келтиришни ният қилиб, китобни «Рашахоту айнил хаёт» («Хаёт чашмаларидан томчилар») деб номлайди.

«Рашахот»да Хожа Ахрор Валийнинг шажараси, таржимаи холи, тариқат манзилларини босиб ўтишдаги азоб-уқубатлари,

¹ *Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм.* 47-бет.

лаб тоққа караб қочганлари хикоя қилинган¹. Бундан англашиладики, Амир Темур 1405 йилнинг 18 февралида вафот этган бўлса ҳам, бу хабар бир неча кун сир сақланган.

Хожа Ахрор Валий руҳиятидаги уйғоқлик кичик ёшлигидан бошлангани, кўп вақтини ёлғиз юриш, тафаккур қилиш, хамиша Аллоҳни зикр қилиш, шайх ул-машойихлар қабрларини зиёрат қилиш билан ўтказгани зикр этилган: «Ёш вақтимда Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорларида Ҳазрати Исо (а.с.)ни тушимда кўрдимки, ўлтирибдилар. Ман ўзумни оларнинг қадамлариға ташладим, олар менинг бошимни туфроқдин кўтардилар ва ойдилар: «Ғам емагил, биз сани тар-

¹ *Фахруддин Али Сафий*. Рашахоту айнил хаёт / Хожа Убайдуллох Ахрор. Табаррук рисоалар. 195-бет.

бият этурмиз»¹. Шу тарика Хожа Ахрорда ўлган калбларни тирилтириш сифати ҳосил бўлган.

Хожа Ахрор Валийнинг феълидаги ажабтовур фазилатлардан бири – у зотнинг умрлари ибтидосидан интиҳосигача ҳаргиз кишидан ҳадя ва тухфа қабул этмаганларидир². Наклга кўра, Мавлоно Аҳмад Коризий сидку ихлос ила бир чакмон тиктириб тухфа тарзида Хожа Ахрорга юборади. У киши эса: «Бу жомани кийсак бўлур, ва лекин ондин садаканинг хиди келур. Биз умримизда ҳеч кишидан бир нимарса қабул этмадук» дея узрхоҳлик ила уни ортга жўнатадилар. Хожа Ахрор Валий дейдики, «дунёнинг ҳаммаси ортиқчадир, магар беш нарсаси

¹ *Фахруддин Али Сафий*. Рашахоту айнил ҳаёт / Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Табаррук рисоалар. 197-бет.

² Ўша манба. 205-бет.

ортикча эмас: жонни саклаб турадиган нон, ташналикни кеткизадиган сув, сатри аврат бўладиган либос, амал қиладиган илм, унда яшайдиган маскан»¹. Бунинг сабаби тамадан холи бўлиш, Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг: «Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқдир» деган хадисида англашилади.

Хожа Аҳрор Валий вафотига қадар ким бўлишидан қатъи назар, одамларни мартабаси ёки насабига қараб ажратмай, хизматга шай турган. Ўзидаги фазилат ва гўзал ҳолатларни «ман бу тариқни сўфийянинг китобидан олғоним йўқ турур, балки одамларнинг хизматидин олдим, на улким манга ўргатган бўлсалар. Аммо хизматнинг хосияти шул турур. Хизмат манинг марзом ва мухтор ва

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя / Табаррук рисолалар. 59-бет.

махбубам турур»¹ деб изоҳлаган. Зеро, хизматга ҳиммат кўрсатиш кишини кибриё кунгурасига етказди.

Хожа Аҳрор Валий «Ҳалол ризқ топиш хар бир мўмин учун вожибдир»² деган ҳадисга бир умр амал қилиб, меҳнат ва машаққатни ўзига ихтиёр этган. Ҳамиша ўзгаларга саховатли бўлишни тарғиб этган Хожа Аҳрор эзгу ишлари билан намуна бўлган. «Рашаҳот»да қайд этилишича, бирон жойда толиби илм бор, деб эшитса ёки кимнидир касал, деб овоза қилинса, тез таъсирланиб, ўшаларга ёрдам беришга интилар, ўз мулозимларини уларнинг истиқболига юбориб, аҳволини би-

¹ *Фахруддин Али Сафий*. Рашаҳоту айнил хаёт / Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. 212-бет.

² Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. 104-бет.

лишга ва кўмак беришга шошилар, ўз вакф мулкидан нафақа тайинлаб, асҳобларидан тез-тез хабар олишни тайинлар эди. Хожа Аҳрор Валийдаги мукаммал инсоний фазилатлар ислом нури, шариат мутобаати ва тариқат шафоати туфайлидир.

Хожа Аҳрор Валий кексайиб, куч-қувватдан қолганида ҳам камоли одоб ва хусни муомалани тарк этмаган. Жисман кучсиз бўлса ҳам, унинг руҳонияти баланд, руҳи тетик, иродаси мустаҳкам, заковати ўткир, хотираси кучли, фаҳми сезгир ва хушёр бўлган. Хожа Аҳрор Валийнинг мамлакат осойишталиги, фукаролар тинчлиги, юрт ободлиги йўлидаги сиёсати унинг: «Агар биз шайхлик қилганимизда бирорта шайх ўзига мурид топмаган бўлур эди, аммо бизнинг ниятимиз бошқа, бу – муслмонларни золимларнинг зулми-

дан химоя килиш. Мана шу ниятга эришиш учун биз подпоҳлар билан мулоқот килишимиз, уларнинг қалбини забт этишимиз ва шу тарзда ислом аҳкомларини бажо келтиришимиз керак»¹ деган сўзларида теран ифодаланган.

«Рашахот» чин маънода ҳаётбахш чашмани эслатадики, унинг ҳар бир сатрида исломий руҳ муҷассам. Ундаги ранг-баранг нақлу хикоятлар, панду насиҳатлар, рашҳалар, маслаҳатлар ўқувчини бефарқ қолдирмайдик, асар Хожа Аҳроп Валий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мукаммал манба сифатида дунё шарқшунослари эътиборидадир.

¹ Насабномаи Убайдуллох Аҳроп / ЎзРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 526/1 сонли қўлёзма.

Насабномаи Хожа Убайдуллох Аҳроп

*Он Хожаки буд шамъи дин миръоташ,
Шоҳон бисоти мулки миллат моташ.
Миръоти ҷамоли вайҳи мутлақ зоташ
Вон вайҳи муқайид шуда дар миръоташ¹.*

Хожа Аҳроп Валийнинг аجدодлари ва авлодлари ҳақида мукаммал маълумот берувчи муҳим манбалардан бири, шубҳасиз, Абдулхай Ҳусайнийнинг «Насабномаи Хожа Убайдуллох Аҳроп» асаридир. Унда зикр этилишича, Хожа Аҳроп Валийнинг аجدодла-

¹ Таржимаси: Ўшал Хожаки дин шамъи унинг кўзгуси бўлди. Ҳатто шоҳлар, буюклар ҳам ул зотнинг исломий мулки тепасида мотдирлар. Парвардигорнинг мутлақ вайҳи ғўзаллигининг кўзгуси унинг зотиладир, яъни ўшал вайҳ унинг кўзгусида муқайид бўлган, нақш қилингандир. Бу ҳақда қаранг: Хожа Убайдуллох Аҳроп. Насабномаи Хожа Убайдуллох Аҳроп / Табаррук рисолалар. 256-бет.

рининг барчалари ирфон арбо-
лари ва завку виждон асҳоблари
бўлишган¹. Хожа Ахрорнинг ота-
лари Хожа Махмуднинг насаби
тўрт восита билан сиддиқийлардан
бўлган Хожа Муҳаммад Номийга
боғланади. Хожа Ахрорнинг она-
лари Хожа Довуднинг кизи, Шайх
Хованди Тахурнинг неваралари-
дир. Уларнинг насаблари тўккиз
восита билан Абдуллоҳ ибн Умар-
га боғланади.

Хожа Ахрор Валий икки бор
уйланган. Бунинг сабаби шунда-
ки, биринчи бор 25 ёшида ота-
сининг хохиши билан уйланган.
Биринчи оиласидан Муҳаммад Аб-
дуллоҳ исмли, иккинчи оиласидан
Муҳаммад Яхё ва икки киз фар-
занд туғилган. Муҳаммад Абдул-
лоҳ «Хожаи Калон» номи билан

¹ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Насабно-
майн Хожа Убайдуллоҳ Ахрор / Табаррук
рисолалар. 258-бет.

машхур бўлган. Шайх Абуллайс
Самаркандийнинг шогирди бўлган.
Хожа ўғли билан фахрланиб,
«бундай ўғил камдан-кам киши-
ларда бўлади» деб айтган. Унинг
ўн икки нафар фарзанди бўлган.
Шайбонийхон Самаркандни босиб
олганда Хожаи Калон Андижонга
борган ва ўша ерда вафот этган.
Унинг жасади Тошкентга олиб ке-
лингган. Унинг қабри Абу Бакр
Қаффол Шошийнинг мақбараси
ичида, онасининг қабри ёниладир¹.

Муҳаммад Яхё «Хожаи Хурд»
номи билан машхур бўлган. Хожа
Ахрорнинг мақбул ва махбуб
фарзанди, илоҳий робита билан
тарикатга мушарраф бўлган ва
Хожа Ахрор Валий вафотидан сўнг
сулукни давом эттирган. Бу ҳақда
Фахруддин Али Сафий «қандай
латофат ва ҳусни истеъдодки, Хо-

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашахоту
айнил ҳаёт. 106-бет.

жанинг хизматини қилади. Ҳазрати эшон Мухаммад Яҳёга васийлик, хомийликни бердилар. Агар Хожани Калонга нисбатан илмия ғолиб бўлса, Хожани Хурдда жазба нисбати ғолиб эрди» деб эътироф этган¹.

Шайбонийхон ҳукмронлиги даврида Хожа Аҳрор Валийнинг барча мол-мулклари мусодара қилинган. Хожа Яҳё Хуросонга кетиш учун ижозат олгач, оиласи билан йўлга тушади. Лекин Шайбонийхоннинг лашкарлари уларни йўлда қатл қилади². Мухаммад Яҳё ва унинг оила аъзоларининг жасадлари Самаркандга олиб келиниб, Хожа Аҳрор Валийнинг қабри яқинига дафн қилинади.

¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Насабно-майи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор / Табаррук рисолалар. 295-бет.

² Ўша манба. 288-бет.

Мухаммад Яхёнинг Мухаммад
Амин исмли ўғли катли ордан
омон қолган. Уни Бобур Мирзо
ўзи билан Қобулга, кейин Ҳиндис-
тонга олиб қетган. Хожа Аҳрор
Валийнинг катта қизлари Мир
Абдуллоҳ ибн Мир Абдуссаломга
никоҳланган. Бу никоҳдан фарзанд
бўлмаган. Кичик қизлари Мир
Абдулаввал ибн Иззуддин Тохир
Нишопурийнинг никоҳида бўлган.
Ундан Хожа Мир Қалон, Хожа
Миёна, Хожа Мир Ҳўрд исмли
фарзандлар қолган. Насабномадан
англашиладики, Хожа Аҳрор Ва-
лий авлодлари нафақат юртимиз-
нинг қўллаб қўшларида, шунинг-
дек, Тожикистон, Қирғизистон,
Афғонистон, Арабистон ва бошқа
мамлакатларга тарқалиб кетишган.

Жавомиъ ул-калим

*Ҳазорон мазраъ дар зери киштаст,
Ки аз ӯ рафтани роҳи беҳишт аст¹.*

Хожа Убайдуллох Аҳрорнинг файзли суҳбатлари мажмуи «Лавомиъ ул-анвор» номи билан машҳур бўлган. Кейинчалик бу китоб туркийга ўгирилиб, унга «Жавомиъ ул-калим» деб ном қўйилган. Асарнинг ўзига хослиги шундаки, унда Хожа Аҳрор Валий томонидан кўплаб оят, ҳадис ва шайх ул-машойихларнинг ижтимоий ҳаётга оид ҳикматли сўзлари жамланган.

Калимаи ухро. Соликка тўрт нарса керакдир: илмдурки, риёзатга солур, то ани тўғри ва мулоим қилур. Зикрдурки, анга мунис

¹ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. 46-бет. Таржимаси: Экинлар минглаб экинзорларни эгаллаган, ундан жаннат йўлига тушмоқ мумкин.

ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда даҳшат олмас. Парҳезкорликдурки, ани тўхтоткувчидурки, то ҳар ношойистага қарамагой. Яқиндурки, анга маркаб ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмагай. Бундан англашиладики, солиқ тариқатни ихтиёр килиб, рухий покланиш йўлига кирган. Илм, зикр, парҳезкорлик, илми яқинга мушарраф бўлган солиқда Аллохнинг тўксон тўккиз исми унинг сифатларига айланади.

Калиман ухро. Зухд улдурки, дунёдин юз ўғурсанг, Худойи таоло берганига рози бўлсанг ва ўз амалинг миқдоридин зиёда сўзламасанг. Зухд таркидунёчилик, парҳезкорлик, дунёга илтифот қилмасдан, тоат-ибодат билан кун кечирини, Аллохга маъқул нарсаларни севини, Аллох тақиқларидан воз кечини, иймон нури билан охираг жамолини мушоҳада қилини,

дунёни кабиҳ деб билиш, унинг барча лаззатлари ва зийнатларидан воз кечишдир. Валийларнинг уч аломати уларни оддий кишилардан ажратиб туради. Бу улуғликда – тавозуъ, бойликда – зоҳидлик, куч-қувватда – инсофдир. Эътиборга молик жихати шундаки, Хожа Аҳрор Валий ҳақ йўлчиларининг ўз амаллари даражасида сўзлаши лозимлигини таъкидлаган.

Калимаи ухро. *Бадбахт улдулки, анга илм берсалар, амал бермасалар. Тавфиқ берсалар, ихлос бермасалар ва яхшилар суҳбатиға йўл берсалар, қабул бермасалар.* Бундан англашиладикки, тариқат аҳлининг адаби ўзига хос бўлиб, улар кўнгил адаби, кўз адаби, кулок адаби, тил адаби, қўл адаби, корин адаби, оёқ адабидир. Адаби бўлмаган кишининг илми йўқ, у бадбахтдир. Шунга кўра, ҳар бир тариқатга кирган солиқ тариқат

мақомини тўла босиб ўта олган эмас, чунки рухий-маънавий мартабаларга кўтарилиш, риёзат билан қалбни Аллоҳ висолига тайёрлаш, энг асосийси, хамида ахлоқ эгаси бўлиш, эзгу ишларга чоғланиш, инсонларнинг мададкори бўлишга, жавонмардлар расму русуми билан яшаш сабр-тоқат, кучли иродани талаб этган.

Калимаи ухро. *Хар нарсанинг меваси бордир. Ҳилмнинг меваси баландлигдур ва қаноатнинг меваси роҳатдур ва тавозуънинг меваси муҳаббатдур.*

Хар ким ҳилмга одат қилса, улуғ бўлади ва тўғрилиқни одат қилса, мартабаси баланд бўлади. Солиқнинг нафсининг истагига қарши бориши, барча истаклардан воз кечиб, ейиш, ичишда қаноат қилиши, оз-ризққа қаноат қилиши кам амалини ҳам поклайди, юксак мақомга кўтаради. Адаблилик, ўзини бар-

чадан паст тутиш, хокисорлик ва камтарлик илохий муҳаббатга йўл очади. Муҳаббатнинг ҳақиқати шундаки, лутф билан ортмайди, жафо билан камаймайди. Қаердаки, иродат камол топиб охирига етса, жабр ҳар қанча кўп бўлса, муҳаббат ундан зиёда бўлади.

Хожа Аҳрор Валийнинг дурдона сўзларидан:

Калимаи ухро. Тўрт нарса улуғликка далолат қилур: илмни азиз тутмоқ, ёмонни яхшилик бирла дафъ қилмоқ ва ғазабни ютмоқ ва жавобни савоб бирла бермоқ.

Калимаи ухро. Қобилга мураббий бўл ва уни тарбият қил. Ноқобилга эса қарама ва тарбият қилма. Ки қобилни тарбиятсиз қўймоқ зулмдир ва ноқобилни тарбият қилмоқ зулмдир.

Калимаи ухро. Ажаб андоқ кишидинки, данғиллама уй ва қасрлар бино қилурлар ва такал-

луфлар бирла яшарлар, ерларни хасратлар бирла ташлаб кетарлар. Ва андоғ кишидин ажаброкки, анинг жойига ўлтирур ва ғофил бўлур. Ва ўз кўзи бирла кўрган холидаки, эгаси кандок хасрат бирла ташлаб кетти, ибрат олмас.

Калимаи ухро. Хоҳласангки, бировга насихат қилай десанг, аввал ўзингга насихат қил. Агар ўзингни насихатга киргузсанг, ўзгаларга насихат қил.

Калимаи ухро. Тўрт нарса тўрт нарса билан тамом бўлур: дониш ақл бирла, дин тақво бирла, иш ҳиммат бирла, неъмат шукр бирла.

Калимаи ухро. Тўрт нарса тўрт нарсани йўқотур: нон емаслик неъматни, жоҳиллик мурувватни, адабсизлик иззатни, ҳазил обрўни.

Калимаи ухро. Таннинг роҳати таомнинг озлигидадур. Ва дилнинг роҳати сўзнинг камлигидадур. Ва рухнинг роҳати уйқунинг камлигидадур.

Калимаи ухро. Дўстингнинг йўқлигида андоқ ёдлагилки, дўст тутарсанки, йўқлигингда сани андоқ ёдлаёй.

Калимаи ухро. Икки киши мулк ва дин душманидир: бири аччиги кўб подшоҳ, иккинчиси оми шайхи хонакоҳ.

Калимаи ухро. Подшоҳларга сифатларнинг яхшироғи саховат, шижоат ва адолатдур. Ва хислатларнинг ёмонроғи кўркоқлик, зулм ва бахилликдир.

Калимаи ухро. Уч тоифанинг бузилмоғи уч нарсанин: султонларнинг бузилмоғи зулмдин, уламоларнинг бузилмоғи тамаъдин ва сўфийларнинг бузилмоғи риёдин.

Калимаи ухро. Дўст жафо бирла душман бўлур. Ва душман эҳсон ва мурувват ила дўст бўлур.

Калимаи ухро. Мардлик ул-дурки, ҳар ким сенга ёмонлик

килса, ўрнига яхшилик кил. Ва
хар ким сендин узулса, ёпушғил.
Ва хар ким сени ноумид килса,
анга эҳсон кил.

Калимаи ухро. Илм зийнат-
дир ва насаб жамолдир. Зеб-
зийнат соҳибжамолга ярашур. Илм
улуғларга лойик кўрилуру.

Хулоса

*Ростни изла, ростни танла, ростни кўр,
Ростни гапир, ростни эшит, рост юр¹.*

Мухтарам кюртбошимиз
И. Каримов таъкидлаганларидек, бизнинг конимизга, суяк-суякларимизга сингиб борган буюк аждодларимиз, авлиё-мутафаккирларимиз, фозилу уламоларимиз насихатлари, ўғитлари, улуғ мерослари бизга куч-қувват ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди². Хожа Ахрор Валийни ана шундай забардаст сиймолардан бири, деъишга ҳақлимиз.

Маънавиятимизнинг теран илдизларидан бири бўлган нақш-

¹ Абдурахмон Жомий. Гулшанингда сўлмасин гул. – Т.: «Фан», 2008. 296-бет.

² Каримов И. Буюк алломага эҳтиром / Бахоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 2003 йил 28 ноябрь.

бандийлик тарикатининг пири муршиди офоки Хожа Ахрор Валийнинг бутун фаолиятида фуқаролар осойишталиги, илм, ҳунар ва тижорат ахлининг равнақи учун ҳар қандай баҳсли муаммоларни уруш ва қон тўкиш йўли билан эмас, келишув ва қурол-яроғ ишлатмаган ҳолда ҳал қилишга астойдил интиланган ва бунинг урдасидан чиққан.

Ривоятга кўра, Хожа Ахрор Валий нафакат Мовароуннаҳр ва Хуросон, шунингдек, Яқин Шарқ мамлакатлари, Кичик Осиё, Туркияда ҳам юксак мавқега эга бўлган. Туркия султони Маҳмуд кофирларга қарши кураш олиб боради. Шунинг учун тарихда «Султони соҳибқирони ғозий» деб улуғланган. Ривоятга кўра, Маҳмудхон Истанбулга қарши уруш олиб борган вақтда қучлар нисбати душман сони кўнлиги

билан муваффақиятсизликка уч-
рай бошлаган. Худди шу пайт-
да Султон Маҳмуд муроқабага
ўтиради, пири бўлган Хожа Аҳрор
Валийдан рухий мадад сўрайди.
Бир неча сония ўтар-ўтмас, куч-
лар нисбати ўзгариб, душман
муваффақиятсизликка учрай бош-
лайди ва мамлакат дарвозалари ўз-
ўзидан очилиб кетади ва Истанбул
Султон Маҳмуд томонидан забт
этилиб, мусулмон шахридан бири
бўлиб қолади. Душман устидан
бемисл ғалабани Султон Маҳмуд
шундай изохлаган: муроқаба пай-
тида Истанбул дарвозаси тепасида
оқ от минган Хожа Аҳрор Валий
олға ишорасини қилаётгани ва бар-
ча аскарлар бундан илҳомланиб,
душманга қарши курашга отлан-
ганини кўрган. Хожа Аҳрор Ва-
лийнинг ишораси билан дарвоза
очилган ва неча юз йиллар Ви-
зантия худудида бўлган Истанбул

шаҳри мусулмон диёрига айланган. Шубҳасиз, ҳозирга қадар истанбулликлар Хожа Аҳрор Валийнинг бу бебаҳо хизматини юксак эҳтиром билан эслайдилар ва шукрона айтадилар.

Ўзининг ибратли ҳаёти тарзи, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти, бебаҳо ирфоний мероси билан табаррук заминимизда ўчмас из қолдирган Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги тадқиқотлар эътиборга сазовордир. Жумладан, афғонистонлик олим Абдулхай Хабибий «Жомий тариқати» (1965) мақоласида «Саъд Кошғарий ва Хожа Аҳрор ўз асрининг улуг рухий пешволари эдилар» деб, инглиз шарқшуноси Чарльз Стон «Форс адабиёти» асарида «Хожа Убайдуллох Аҳрор буюк валий-дир» деб, чех олими Фемикс Тауэр «Хожа Аҳрор номи билан шухрат қозонган туркистонлик табаррук

авлиё, накшбандийлик сулукининг шайхи Носуриддин Убайдуллох ибн Махмуд Шомий» деб эхтиром билан тилга олишган.

Хожа Ахрор Валийнинг «мусулмон бўлмоқ – фукаролар манфаати учун яшамоқдир» деган пурмаъно сўзлари ҳар бир кўзи очик инсон учун ибратлидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг: «Ўлмасдан бурун ўлингиз» деган ҳадисларини калбларига жо қилган буюк зот бир вақтнинг ўзида ҳам мусулмонлик фарзларини тўқис адо этиш, ҳам давлат ишларида фаол иштирок этиш, ҳам халқ ташвишига шерик бўлиш, ҳам савдотик ишларини йўлга қўйиш, ҳам накшбандийлик тариқатини тарғиб қилиш, ҳам мурид тарбиялаш, ҳам мадрасаю масжид қурилишларида бош бўлиш, ҳам вакф қилинган ерларнинг хўжалик ишларини назорат қилиш, ҳам саховат ва му-

рувват ишларини олиб боришнинг
уддасидан чиккан. Бу Хожа Аҳрор
Валийга Ҳақ таоло инъом этган
олий даража, юксак мақомдирки,
Қуръонда «Аллоҳ кимни хидоят
килмокни истаса унинг кўнглини
Ислом учун кенг қилиб қўяр»¹
дейилган.

Аллоҳнинг лутфи билан бў-
лажак воқеа-ҳодисалар ҳақидаги
кашфиёт ва кароматлари билан
Хожа Аҳрор тушида, дуолари ижо-
бати орқали ана шундай мақомга
эришган.

Хожа Аҳрор Валийнинг тари-
хий-сиёсий хизмати шундаки, та-
саввуф тарихида биринчи бўлиб
халқ равнақи йўлида тариқатни
сиёсатга кенг татбиқ этган. Бу
пайтгача ҳеч бир тариқат муршиди
Хожа Аҳрор Валийчалик султон
ва подшоҳларга таъсир кўрсата

¹ Қуръони карим. Анъом сураси, 125-
оят. 153-бет.

олмаган. Замона подшоҳлари ўз муршидларининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлмай туриб, бирор масалани хал қилишга шошилишмас, пирларининг сўзларини ўзларига қонун деб билиб, катта ихлос ва эҳтиромда бўлишган. Шунининг алоҳида эътироф этиш лозимки, нақшбандийлик тариқатининг буюк тариқатга айланиши ва кенг тарқалишида Хожа Аҳрор Валийнинг беқиёс хизматлари бордир.

Хожа Аҳрор Валийнинг мусулмон бўлмок – фуқаро манфаатлари учун яшамок эканлигини дастуруламал қилиб яшаган ибратли ҳаёти ҳар бир инсон учун тарбия вазифасини ўтайди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тараққиётида ислом маърифати, илми ирфон, тасаввуф ғоялари ўзига хос қирралари билан ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо

ва адоватлар хали барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Хожа Ахрор Валий илгари сурган эзгу ғоялар ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, бу зотнинг ибратли ҳаёти ва орифона асарларини ўрганиш ва тўғри талқин этиш бугунги маънавиятимиз тараккиёти учун жуда муҳимдирки, тарихий хотираси уйғок миллат ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди. Зеро, миллий маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этган буюк мутафаккир зот Хожа Ахрор Валийнинг маънавий мероси яна асрлар оша ўзликни англаш, қалб ва руҳни поклаш, жамият равнаки, мамлакатимизнинг барча соҳаларида жадал олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлиги учун хизмат қилади.

Хожа Аҳрор Валий ҳикматлари¹

Баркамол авлод тарбияси ҳар бир маърифатли жамиятнинг келажагидир. Хожа Аҳрор Валийнинг бундан етти аср муқаддам айтган пурмаъно сўзлари бугунги ва эртанги кунимиз, ёш авлод маънавияти, баркамол авлод тарбиясига бевосита дахлдордир. Ёш авлодни миллий-маънавий ва диний кадриятлар билан бирга дунёвий билимлар асосида тарбиялаш, уларнинг онги ва тафаккурида ўзликни англаш, миллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини жонлантириш жиддий аҳамият касб этади. Хожа Аҳрор Валий томонидан нақл қилинган дурдона фикрлар келажаги буюк

¹ Ушбу ҳикматлар Фаҳриддин Али Сафийнинг «Рашиҳот» асаридан олинди.

юртимизнинг бунёдкор авлоди
учун йўлчи юлдуз бўлиб қолади.

Сўзларнинг яхшироғи зикр-
дир ва ишларнинг яхшироғи на-
моздир. Хислатларнинг яхшироғи
ҳилм (мулойимлик)дир. Дунёнинг
роҳати уч нарсадир: Ҳақ таоло
тоати, Қуръон тиловати ва би-
родарлар зиёрати.

Хар ким сенга ёмонлик қилса,
ўрнига яхшилик қил, сендан
йироқлашганларга яқин бўл, сени
ноумид қилганга, борингни эҳсон
қил.

Золим ва жабр қилувчиларни
йўқотиши борасида ҳиммат қилмоқ
лозимдир. Менинг сизларга дунё-
ни манъ этишим, дунёни сизлар-
дан дариг тутishi маъносида эмас,
балки сизларни дунёдан асрамоқ
маъносидадир. Чунки Одам шун-
чалик улуғворлиги билан ўз
вақтини арзимас нарсалар учун
зоё қилмоғига ҳайфим келади.

Мотамда қайгу, шодликда қувонч таъсири бор. Ботин ботиндан таъсир олади. Ошиқлик сифати бор киши ошиқдир. Кўнгуллар Ҳақдан ўзгасига боғланмас. Зикр фикр билан биргадир. Зикр қилган киши зикр қилингувчидир.

Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдирувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак. Расмий маърифатлар ёзнинг ёмғирига ўхшарки, на беморга шифо берур ва на ташнани сероб қилур.

Шижоатлик киши уруш кунларида билинур. Омонатдор киши диёнати бермоқ ва олмоқ вақтида билинур. Хотун ва фарзанднинг меҳр-вафоси камбағалликда фаҳмланур. Дўстларнинг дўстлиги машаққат ва меҳнат чоғида билинур. Ҳар ким беайб дўст истаса, дўсти кам бўлғай.

Ҳар нарсанинг меваси бордур. Ҳилмнинг меваси баландлигдур ва қаноатнинг меваси роҳатдур ва тавозуънинг меваси муҳаббатдур.

Таомни андоғ егилки, сан ани егайсан, на ул сани егай. Агар сан они есанг ҳаммаси нур бўлур ва агар ул сани еса ҳаммаси зулмат бўлур. Таннинг роҳати таомнинг озлигидадур ва дилнинг роҳати сўзнинг камлигидадур. Ва руҳнинг роҳати уйқунинг камлигидадур.

Дур тобқон киши дур топдим, демас ва олтун туфроқда ётса ҳам чиримас. Ҳар кимни ўз фарзанди соҳиб боғамол кўринур ва ўз ақли боғамол.

Шоядки дейишлик бирлаши битмас, орзу бирла ҳеч ким бир ерга етмас. Вақтики узр десалар, қабул қил ва одоб ўргатсалар ўрганки, ҳар кимга одоб ўргатсалар-у, ўрганмаса, ҳайвондур. Ва узр айтсалару қабул

қилмаса, шайтондур. Кишининг дили пок бўлса, унда муътадил иймон пайдо бўлади.

Зикр теша янглиг турурким, анинг бирла хавотирнинг тиконларини кўнгулнинг йўлидин чопиб олулар.

Эҳсон Аллоҳга уни кўриб турганингдек ибодат қилмоқлигингдир. Эҳсоннинг ҳақиқати Ҳақ таолонинг шуҳуди интизориди доимий бўлишдан хабар беради. Бу олий аҳамият тарафига кўз ва қалб кўзини жалб қилиш (Ҳаққа) юзланиш ва (Ҳақдан бошқа нарсалардан) юз ўгирилишсиз муяссар бўлмайди. Демак, ҳиммат арбобларига янги нафаслари билан тамоми борлиқлари ила мақсаддан бошқасини унутишга сарфласинлар.

Кишининг турмуши қоронгуланса, (Унда) ўзига фойдасиз ҳаршига уринади. Уч нарса уч нарса-

сиз турмас: илм баҳс-мунозарасиз, мол тижоратсиз, мулк (мамлакат) сиёсатсиз.

Хотиманинг гўзаллиги ва роҳатнинг боқийлиги қонун-қоидага амал қилишдандир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: «Ўзбекистан», 1997.

Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.

Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Хусайний. Ҳазрати Хожа Аҳрор Вали насабномаси / Форс тилидан А.Усмонов таржимаси. Масъул муҳаррир: М.Ҳасаний. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004.

Абдурахмон Жомий. Нафахот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс. – Тошкент. А. Порцев литографияси, 1915.

Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария / Форсчадан А.Сатторий таржимаси. Масъул муҳаррир С.Айний, Б. Аҳмедов. – Т.: «Янги аср авлоди», 2009.

Абу Хофс Нажмиддин Умар ан-Насафий ас-Самарқандий. Қандия / Тадкикот, таржима, сўзбоши, изох ва луғатлар муаллифи К. Каттаев. – Самарқанд: «Сугдиён», 2004.

Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Фаззолий. Муҳаббат, шавк, унс ва ризо китоби / Таржимон Ғ.Жалол. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2005.

Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамоийим ул-футувват. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Т.: «Фан», 2001.

Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 13-жилд / Матнни изох ва таржималар билан тайёрловчи С. Ғаниева. Масъул мух. А.Ҳайитметов. – Т.: «Фан», 1997.

Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари / Таржимонлар ва арабча матнни нашрга тайёрловчилар Ҳ. Хикматуллаев, А.Мансуров. Махсус муҳаррир Ҳ. Нурмуҳаммад. – Т.: «Фан», 1990.

Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1993.

Больдирев Н.А. Хожа Аҳрор ҳақида / С. Ғаниева таржимаси. – Т.: 1997.

Большдырев Н.А. Еше раз к вопросу о Хадже-Ахраре // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма: Сб. статей. – М.: 1985.

Валихўжаев Б. Хожа Ахрор Вали. Хужжатли эссе. – Самарканд: «Зарафшон», 1993.

Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. Тарихий-оммабон бадихалар. – Т.: «Ёзувчи», 1994.

Валихўжаев Б. Буюк маънавий муршид. – Т.: «Фан», 2004.

Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Китобдан парчалар / Тўйловчи С.Ахмад. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). – Т.: Абу матбуот консалт, 2011.

Каримов Э. Хожа Ахрор ҳаёти ва фаолляти / Масъул муҳаррир: Д.А. Алимова. – Т.: «Маънавият», 2003.

Каттаев К. Хожа Ахрори Вали ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини. Рисола. – Самарқанд: 2004.

Кенжабек М. Дунёнинг муршиди. Ҳазрати Хожа Убайдуллох Ахрор «Рисолаи волидийя» назмий таржима-си қисқача шарҳи. – Т.: «Фан», 2004.

Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожига тасаввуфнинг тутган ўрни. – Т.: «Академия», 2005.

Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: «Мовароуннаҳр» – «Ўзбекистон», 2009.

Маллабоев Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари вақф мулкчилиги мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2004.

Маҳмудов Н. Ахрорийнома. – Самарқанд: «Зарафшон», 2003.

Маънавият юлдузлари / Тўпловчи ва масъул муҳаррир М. Хайруллаев. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.

Сувонқулов И. Самарқанд кадам-жолари. – Т.: «Фан», 2007.

Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил хаёт (Оби хаёт томчилари) / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмухаммад. Табдил килиб, нашрга тайёрлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004.

Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни / Илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари. – Т.: 2004.

Хожа Аҳрор Валий зиёратгоҳидаги кабртош ёзувлари. – Т.: «Мовароуннахр», 2004.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидия. Захириддин Мухаммад Бобур таржимаси / Асарнинг назмий ва насрий баёни С. Ҳасанов. Сўзбоши ва нашрга тайёрловчи Х. Ҳасанов. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи,

таржимон, сўзбоши ва изох муаллифлари: Махмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. – Т.: «Адолат», 2004.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф хакида тасаввур. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004.

Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм / Форсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изохлар муаллифлари Ҳ. Бобобеков, Н. Норкулов. – Т.: «Маънавият», 1998.

Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изохлар муал. Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2001.

Қутибоев З. Хожа Аҳрор Валий / Масъул муҳ. Б. Аҳмедов. – Т.: «Фан», 1996.

Ҳалимов Ф. Хожа Аҳрор Валий ва унинг «Рисолалар тўплами». – Самарканд: Имом ал-Бухорий халқаро фонди наشري, 2004.

Ҳасаний М, Раззоқова М. Хожа Аҳрорга бағишланган рисола ва мақолалар. – Т.: 2004.

Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири ахбоб / Форс тилидан таржима ҳамда сўзбоши ва изохлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Биринчи китоб / Тўзувчи ва нашрга тайёрловчи У. Уватов. – Т.: «Маънавият», 2010.

Мундарижа

Сўзбоши	4
Муриши офок.....	10
Хожа Ахрор Валийнинг устозлари	13
Самарқанд фахри.....	19
Қутб ул-актоб.....	27
Тарикат ислохчиси.....	36
Мирзо Улугбек ва Хожа Ахрор Валий	45
Хожа Ахрор Валий ва Абдурахмон Жомий	54
Хожа Ахрор Валий ва Алишер Навоий	59
Хожа Ахрор Валий ва Захириддин Мухаммад Бобур .	65
Рисолайи хаврония	70
Рисолайи волидийя	77
Рисолайи анфоси нафиса	86
Фикроти Ахрорийя	92
Силсилат ул-орифийн ва тазкират ус-сиддикийн	99
Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Ахрор.....	108

Масмуъот	116
Рашахоту айнил хаёт	122
Насабномайи Хожа Убайдуллох	
Ахрор	131
Жавомнъ ул-калим	136
Хулоса	144
Хожа Ахрор Валий ҳикматлари ...	152
Фойдаланилган манба ва	
адабиётлар рӯйхати	158

Тарих ва шахс

Адабий-бадиий нашр

ЗАМИРА ИСХОКОВА

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

Мухаррир *Абдур Рауф Субҳон*

Рассом-дизайнер *Х. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Б. Каримов*

Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусаххих *Ш. Шоабдурахимова*

Сахифаловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.09.

Босишга 2016 йил 14 сентябрда рухсат этилди.

Бичими 70x108^{1/64}. Офсет қоғози. «Virtec
Peterburg» гарнитурасида. Офсет босма усулида
босилди. Шартли босма табоғи 3,68.

Нашр табоғи 3,37. Адади 3000 нусха.

Буюртма №16-448.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011. Тошкент, Навоий кучаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Исҳоқова, Замира

И 84 Хожа Ахрор Валӣй [Матн]/
З. Исҳоқова; масъул муҳаррир
Қ. Ражабов. – Тошкент: «O'zbekis-
ton» НМИУ, 2016. 168 б. – (Та-
рих ва шахс)

ISBN 978-9943-28-767-9

УЎК: 94(575.1)(092)

КБК 63.3(5Ў)4